

# Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Mustaqillik huquq demakdir

# Нидо



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2016-yil 14-iyul, №28 (1017)

Тадбир

Пойтахтимизда "Парламент назорати — атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилонга фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик ҳамда давлат дастурлари ижросини таъминлашда самарали механизм сифатида" мавзuida давра суҳбати ўтказилди.

## Экологик назорат янада кучайтирилади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, эколог олимлар, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мутахассислари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) У.Муҳаммадиев, Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Б.Алихонов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда жамоатчилик назорати кенг ўрин берилётгани, хусусан, бу атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилонга фойдаланишда ҳам муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонунида экологик назоратни амалга ошириш, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги мониторингинг соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва роли белгилаб берилган. Қонунга мувофиқ, давлат ташкилотлари билан бирга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар экологик назорат жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Шу асосда олиб борилаётган ишлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги мавжуд муаммолар ечимини топиш ва бартараф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Тадбирни ўтказишдан мақсад — атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилонга фойдаланишда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, бу борада ҳамкор ташкилотлар фаолиятини янада кучайтириш, соҳадаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва чек қўйишдан иборат, — дейди Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) котибиятининг катта референти Анвар Яшнарбеков. — Табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини ошириш, экологик назорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш масаласи ҳам кун тартибига қўйилди.

Семинарда экологик назорат соҳасида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги, атроф-муҳит муҳофазаси борасида қонун талаблари бажарилиши ва ушбу йўналишдаги давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши юзасидан парламент назорати, жамоатчилик назорати ҳамда ижтимоий шериклик институтларини янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Аҳолининг экологик маданиятини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларида жамоатчилик иштирокини, экологик назоратнинг жамоатчи инспектори фаоллигини кучайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

ЎЗА

## Битирувчиларга диплом топширилди

Тошкент Давлат юридик университетида бакалавр ва магистратура босқичларини битирган талабаларга диплом топшириш маросими бўлди.



Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Абдуллаев, Ўзбекистон Республикаси адлия вазири М.Икромов, ички ишлар вазири А.Аҳмадбоев, Олий суд раиси Ш.Ғозиев, Олий ҳўжалик суди раиси К.Комилов, Тошкент Давлат юридик университети ректори Е.Канъязов ва бошқалар қонун устуворлиги Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган "Ўзбек модели" асосларидан бири экани, мамлакатимизда қонунийликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 28 июндаги "Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Қарори соҳага эътиборнинг ёрқин ифодасидир. Мазкур қарор асосида халқаро стандартларга жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрлар тайёрлаш, уларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш янада кучайтирилди.

Тошкент Давлат юридик университети юқори малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашда таянч олий ўқув юрти саналди. Бу ерда юриспруденция мутахассисликлари бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланмоқда. Жорий йилда 313 талаба бакалавр, 130 нафар йигит-қиз магистратура босқичини томоғлади. Муассасада ўқув жараёни ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий ҳолда олиб борилмоқда. Бунинг учун университетда барча шарт-шароитга эга замонвий ўқув ва моддий-техник база яратилган. Ўқув, илмий-услубий бўлимлар, кафедралар ўқитишининг замонвий техник воситалари, ахборот-коммуникация

тизимлари ва дастурий мажмуалар билан таъминланган.

Талабалар Олий Мажлис палаталари, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, прокуратура органлари, суд экспертизаси тизимида амалиёт ўтамоқда.

— Бугун хурсандчилигимизнинг чеки йўқ, — дейди Вазира Аҳмедова. — Қизим Сайёра университетни аъло баҳолар билан томоғлади. Энди ўзи амалиёт ўтаган ташкилотда мустақил иш бошлайди.

Талабалар Ватанимизга сикдикдан хизмат қилишга, суд-ҳўққ тизимини янада ривожлантиришга ҳисса қўшишга аҳд қилди.

ЎЗА

Жараён

## Халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида

Жорий йилнинг 18-24 июнь кунлари Корея Республикасининг Пусан шаҳрида ташкил этилган Жинойи даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳ (ФАТФ)нинг навбатдаги ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти вакиллари билан ташкил топган Ўзбекистон Республикаси делегацияси иштирок этди.

Ялпи мажлисда иштирок этган Корея Республикаси Молиявий хизматлар бўйича комиссия раиси Йим Чжонг Йонг ўз маърузасида ФАТФ томонидан жинойи даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуроллари тарқатилишини молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги тавсияларини ишлаб чиқилиши ва давлатлар кесимида ушбу тавсияларнинг татбиқ қилиниши бугунги куннинг алоҳида долзарб масаласи эканини таъкидлаб ўтди.

Ялпи мажлис кун тартибига мувофиқ ФАТФ ва ФАТФ типидagi ҳудудий ташкилотларга аъзо давлатларда жинойи даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кура-

шиш тизимини мустаҳкамлаш, ФАТФнинг ташкилий фаолияти, янги ҳужжатларни қабул қилиш, аъзо давлатлар рўйхатини кенгайтириш ва фаолиятнинг бошқа долзарб йўналишлари юзасидан 30 га яқин масалалар муҳокама қилинди.

Кун тартибидаги асосий масалалардан бири "Катта йигирмалик" (G-20) давлатлари раҳбарлари томонидан ФАТФга юклатилган терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича қўшимча чоралар ишлаб чиқиш вазифаси муҳокама қилинди. Жумладан, ФАТФ вице-президенти Хуан Мануэль томонидан тақдим қилинган терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ФАТФнинг тезкор режаси муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

Терроризмни молиялаштириш хавфи бўйича ФАТФ томонидан "Терроризмни молиялаштириш"ни аниқлаш: хатарнинг тегишли кўрсаткичлари" мавзусида ўтказилган тадқиқот натижалари ялпи мажлисда тасдиқланди. Қайд этилишича, ушбу тадқиқотда иштирок этган 40 дан ортиқ давлат органлари, шунингдек, кўпгина хусусий сектор вакиллари терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги саволларга жавоб беришган.

/Давоми 3-бетда/

# Манфаатлар устувор

Мустақиллик ҳалқимизга эмин-эркин яшаш имкониятини беради. Истиқлол туфайли бу муқаддас Ватанда инсон азиз ва муқаррам бўлади. Унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш энг устувор мақсадга айланади.

Равшанбек АБДУЛЛАЕВ,  
Чортоқ туман прокурори

лари" ўтказиб келинмоқда.

Яқинда ана шундай "Меҳнат ярмаркалари"дан бири ташкил этилди. Тумандаги 110 та корхона, ташкилот ва муассаса мавжуд бўш иш ўринлари билан шитроқ этган тadbбирга 431 нафар фуқаро жалб этилди. Уларнинг 420 нафари коллеж битирувчиси бўлиб, уларнинг аксарияти иш билан таъминланди.

Шу эрининг ўзида иш берувчилар улар билан меҳнат шартномалари тузиб, меҳнат дафтарчалари ҳам юритилди.

Биргина шу йилнинг ўтган даврида туманда 4 марта "Меҳнат ярмаркаси" ташкил этилиб, ушбу тadbбирларда 847 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Этиборлиси, уларнинг 741 нафари ёшлардир.

Шу каби фуқаролар ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлаш, тadbбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш борасидаги қонунлар ижроси борасидаги фаолиятга ҳам кенг тўхталиш мумкин.

Бу эса ҳар соҳада, ҳар жаҳада инсон манфаатлари устувор эканлигини кўрсатади. Бундай юксак масъулият эса бизни ҳамиша, ҳар қачон қонунийликни таъминлаш борасида янада қатъият билан фаолият юритишга ундайди.

ри ҳам топширилди. Эндилкида бу ёшлар турли корхона, муассасаларда меҳнат фаолиятига киришмоқда. "Диплом билан бизнесга", "Менинг бизнес гоям" каби лойиҳалар эса ўз тadbбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлган ўғил-қизларга истиқбол учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Далилларга эътибор қаратадиган бўлсак, Ойқирон касб-хунар коллежини жорий йилда 6 та йўналиш бўйича 199 нафар битирувчи тамомлаган бўлса, уларнинг 12 нафари тижорат банкларининг имтиёзли кредити асосида ўз тadbбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга улгурди.

Дарҳақиқат, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси ҳақида гап кетганда, янги иш ўринлари яратиш ва бандлик масалалари долзарб ҳамда муҳим эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Чунки бандлик фаровон турмуши, ҳар бир кишининг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлашга қизик қилади. Ушбу долзарб масалага жиддий эътибор қаратган ҳолда туман ҳокимлиги, бандликка кўмаклашиш маркази ҳамда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда мунтазам равишда "Меҳнат ярмарка-

Бугун ҳаётимиздаги ҳар бир ижобий ўзгариш, юксалиш одимларини қонун устуворлигига бўлган юксак эътибор, суд-ҳуқуқ тизимидаги изчил ислохотлар самараси билан боғлаш мумкин. Зотан, қонунлар устувор жамиятдаги на юксалиш ва тараққиёт бардовому бўлади.

Бу ҳақда гап кетганда, келажагимиз эгаларининг қамоли ҳақидаги гапхўрлик, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Зеро, ёшларга эътибор келажакка эътибордир.

Умумтаълим мактаблари битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига юз фоиз қамраб олиш, ақадемик лицей ҳамда касб-хунар коллежларини тамомлаган ёшларнинг бандлигини таъминлаш масалалари доимий эътиборимизда бўлмоқда.

Биргина мустақиллигимизнинг йиғирма беш йиллик байрами нишонланадиган жорий йилнинг ўзида тумандаги касб-хунар коллежларини 3 минг нафардан зиёд ёшлар тамомлади. Илм масканларида ташкил этилган тантанали маросимларда уларга мутахассислик дипломи билан бирга меҳнат дафтарчалала-

Инсонпарварлик, кечиримлик, бағрикенглик ҳалқимизга хос бўлган умуминсоний қадриятлардандир. Шу боис ҳам юртимиз қонунларида бу каби қадриятлар ўз ақсини топган. Ҳусусан, Жиноят кодексининг "Ярашилганиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш" деб номланган 66-моддасини инсонпарварликнинг ёрқин намуналаридан бири дейиш мумкин.

# Инсонпарварлик тамойили

Ойбек ҒАНИЕВ,

Тошлоқ туман прокуратураси терговчиси

ҳақида ажрим чиқариб.

Судланувчи С.Собитов поччаси А.Тошболтаев билан спиртли ичимлик ичганларидан сўнг уни кузатиб қўяётиб, оилавий келишмовчилик туфайли жанжаллашган. Поччасини қасддан урғун оғирликда тан жароҳати етказган. А.Тошболтаев судланувчининг ярашиб олганлари ҳақидаги кўрсатмасини тасдиқлаб, унга ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қоплангани, ярашув ҳақида ҳеч қандай тазйиксиз ўз хоҳиши билан ариза ёзганини айтиб, жиноят ишини тугатишни сўради. Суднинг ажримига биноан С.Собитовга нисбатан жиноят иши тугатилди.

Хулоса қилиб айтганда, ярашув институти жорий этилгандан бери бу тоифадаги ишларни кўриш амалиётининг таҳлили мазкур институтнинг бир қатор афзалликларини кўрсатди. Ҳусусан, ушбу институт жорий қилиниши туфайли жабрланувчи ва жиноят содир этган шахс ўртасидаги низоини жиноий жазо чораларини қўллагандан туриб ҳам қал қилиш имкони мавжуд. Бу жиноят кўчасига адашиб кириб қолган шахсларга жавобгарликдан озод бўлиш имконини яратди. Ярашув жамиятда жиноятчиликнинг қамашушига сабаб бўлади ҳамда жабрланувчига етказилган зарар тез ва тўлиқ қопланишини таъминлайди. Бундан ташқари, мазкур институт тергов ва судда иш юритиш жараёнларини соддалаштиради.

Миллий қонунийчилигимизда мулк ҳуқуқи дахлсизлиги кафолатланиши ўз ифодасини топган. Жумладан, Конституция-мизнинг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклларидаги мулк ташкил этиши, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устуворлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тadbбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлаши, шунингдек, ҳусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидалиги, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина мулкдан маҳрум этилиши мумкинлиги қайд этилган.

Бундан ташқари, Асосий Қонуни-мизнинг 54-моддасида белгиланганидек, мулкдор мулкига ўз хоҳишига эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Бироқ, ҳаётда ҳамма ҳам бирдек мулкка нисбатан қонуний муносабатда бўлмади. Аниқроқ айтганда, айрим кимсалар турли йўллар билан мулкни қўлга киритиш пайида бўлади. Фирибгарлик, ўзгалар мулкни талон-торож қилиш сингари шаклларида содир этилувчи бундай жиноятлар иқтисодий барқарорликка жиддий ҳавф туғдиради, иқкинчидан, фуқароларнинг, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига ҳам путур этади. Айтиш керакки, ўзгаларнинг ишончини суистеъмол қилиш, шу орқали бировнинг мулкни қўлга киритиш билан ифодаланувчи бундай жиноий хатти-ҳаракатлар

# Мулк ҳуқуқи — дахлсиз

учун Жиноят кодексининг 168-моддасида жавобгарлик белгиланган.

Кези келганда яна шунга айтиш керакки, статистик маълумотлар кейинги йилларда фирибгарлик жинояти сон жиҳатидан ҳам, шакл жиҳатидан ҳам кенгайиб бораётганини кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, ушбу жиноятга қарши курашиш, унинг олдини олиш, ушбу жиноятни келтириб чиқарувчи омилларни ўз вақтида бартараф этишни, унга қарши курашиш чоралари самарадорлигини янада оширишни тақозо этади.

Шу ўринда ҳаётий мисолларга мурожаат қилсак. Департаментнинг Оққўрғон тумани бўлими томонидан тadbбиркор А.Холбоевнинг аризаси бўйича текшириш ўтказилди. Аниқланишича, "Тўлғоний" фермер ҳўжалиги раҳбари М.Ортиқов 2014 йилнинг апрель ойида 10 тонна галла етказиб бериш ваздаси билан А.Холбоевнинг 10 млн. сўм нақд пулини қўлга киритади ва маблағни ўз эътиёжи учун ишлатиб юборади. Зиммасидаги вазифани бажаришни эса эсидан чиқаради, яъни турли баҳоналар билан галлани беришни ортга суриб бораверади. Мулкий манфаатларига зиён етган А.Холбоев охири-оқибат ҳуқуқтартиб идораларига мурожаат этишга мажбур бўлади.

Текшириш жараёнида "Тўлғоний" фермер ҳўжалиги раҳбари М.Ортиқовнинг бошқа кирдикорлари ҳам очилиб қолди. Жумладан, "Тўлғоний" фермер ҳўжалиги билан "Олимпкент пахта тўзлаш заводи" АЖ ўртасида расмийлаштирилган контрактация шартномасига биноан ҳўжалик чигити экилган 32,4 гектар ер майдонидан 84,1 тонна пахта ҳошамёсини давлат эътиёжи учун со-

тиши лозим эди. Бироқ, М.Ортиқов чигит экилиши лозим бўлган 10 га.ер майдонига ўзбошимчилик билан макка ва мош экинларини экади, бунинг устига пахта етиштириш мақсадида ажратилган жами 13 млн. 667 минг 300 сўмлик имтиёзли кредит маблағлари, дизель ёнгилгиси ва минерал ўғитларни ҳам ўз ўрнида сарфламай, растрата йўли билан талон-торож қилади.

Жиноят ишини атрофлича ўрганиб чиққан суд М.Ортиқовни Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисми, 167-моддаси 2-қисми "г" банди билан айбдор деб топди ва унга нисбатан 3 йил моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан, 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Шунингдек, ҳукмда давлат манфаатлари ва жабрланувчи А.Холбоевга етказилган зарарини ундириш ҳам белгиланди.

Юқорида таъкидланганидек, амалиётда фирибгарликнинг турли шакллари учрамоқда. Масалан, З.Абдуқодиров содир этган жиноятни оилалик. У қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмасдан "Кўп тармоқли таъмирлаш устaxonаси" номига қалбаки муҳр ва корxonанинг давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисида қалбаки гувоҳнома тайёрлаб олади. Сўнг ушбу ҳужжатлар ёрдамида Бўка тумани ХТМФМТ ва ТЭ қарашли бир нечта таълим муассасалари ходимларининг ишончини суистеъмол қилиб, асосий воситаларни балансдан чиқариш учун уларнинг яроқлик ҳолати ҳақида хулосалар расмийлаштириб беради. Ушбу "хизмат" эвазига у таълим муассасалари ходимлардан нақд пул шаклида ҳақ олиб, ўз эътиёжлари учун ишлатиб юборади.

Сардор ТОШЕВ,  
СВОЖДЛҚК департаментининг  
Оққўрғон туман бўлими бошлиғи

Холбуки, З.Абдуқодировда бундай ҳулосалар бериш ваколати йўқ эди. Қилишидан янада руҳланган З.Абдуқодиров Қўйи Чирчиқ тумани ХТМФТМ ва ТЭ бўлимига "ташриф" буюриб, мазкур ташкилот балансидаги "ГА3-53" русумли юк автомашинасининг яроқлик ҳолати ҳақида хулоса беришни ваъда қилади. Бироқ хулосани тақдим этмасдан фирибгарлик йўли билан "ГА3-53" русумли автомашинани қўлга киритади.

Жиноят ишини батафсил ўрганиб чиққан суд З.Абдуқодировни Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми "б", "б" бандлари ва 228-моддасининг 3-қисми билан айбли деб топди. Унга нисбатан бир йил муддатга моддий жавобгар шахс ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва уч йил муддатга ахлоқ туза-тиш иши жазоси тайинланди ҳамда ойлик иш ҳақининг 25 фоизи давлат фойдасига ундирилиши белгиланди. Шунингдек, жабрланувчиларга етказилган моддий зарарлар қопланиши ҳам суд ҳукмида қайд этилди.

Қўриб ўтганимиздек, фирибгар кимсалар кишиларнинг соддалигидан, ишонувчанлигидан, қолаверса, ҳуқуқни яхши билмаслигидан "унумли" фойдаланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, фирибгарлар тузогига тушиб қолмаслик учун фуқароларнинг ҳар бир ишда қонунга риоя этиши лозимлигини кўрсатади.



Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларни кафолатлаш жамиятимизнинг устувор тамойилига айланган. Бу борадаги вазифаларни адо этишида прокуратура органлари зиммасига ҳам катта масъулият юкланган.

## Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият

**Ф**уқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида Навоий вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳам салмоқли ишлар бажарилмоқда. Мисол учун, вилоят Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси фуқаро Гуллола Абдурайимова манфаатларини кўзлаб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилган. Унда "Хатирчи пахта тозалаш заводи" АЖ соғломлаштириш пункти ҳамшираси Г.Абдурайимовани олдинги ишига тиклаш, мажбуран юрган прокула куллари учун иш ҳақи ва маънавий зарарни ундириш сўралган. Бироқ даъво аризасини кўриб чиққан биринчи инстанция суди даъво талабларини қаноатлантиришни рад қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанциясининг ажри билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Фуқаролик иши ҳужжатларидан кўринишича, Хатирчи туман марказий шифохонаси ва "Хатирчи пахта тозалаш заводи" АЖ ўртасида тузилган 2010 йил 2 октябрдаги "Тиббий хизмат кўрсатиш" тўғрисидаги шартномага асосан Г.Абдурайимова шу санадаги "Хатирчи пахта тозалаш заводи" АЖнинг буйруғига асосан 2010 йил 2 октябрдан бошлаб АЖга ҳамшира вазифасига ишга қабул қилинган. Ушбу АЖнинг 2013 йил 22 майдаги буйруғи билан Г.Абдурайимова билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Биринчи инстанция суди "Хатирчи пахта тозалаш заводи" ташкил этилгандан бунён корхонада ҳамшира штатининг мавжуд эмаслиги, белгиланган қоидалар бузилган ҳолда у ишга қабул қилинганлиги, йўл кўйилган қоидабузарликни бартараф этишининг имкони йўқлиги ва ушбу қоидабузарлик ишнинг давом эттиришига тўсқинлик қилишини асос қилиб Г.Абдурайимовани ишга тиклашнинг имкони йўқлиги тўғрисида нотўғри хулосага келган. Хусусан, суд ҳамшира Г.Абдурайимовани "Хатирчи пахта тозалаш заводи" АЖ томонидан МКнинг 106-моддаси 4-бандига асосан ишдан бўшатилганини асослаб бермаган.

Бундан ташқари, суд даъвогар Г.Абдурайимованинг ўрнига ҳозирги кунда бошқа шахс ишга қабул қилинганлиги, тиббий ёрдам бериш билан жамият ўртасида шартнома асосида тиббий ёрдамни ишга қабул қилиш борасида шартнома тузилганлиги ҳолатларини ўрганмаган ва тегишли ҳуқуқий баҳо бермаган.

Меҳнат шартномаси иш беришнинг ташаббуси билан бекор қилинган бўлса-да, МКнинг 102-моддасига зид равишда меҳнат шартномасини бекор қилишдан камидан икки hafta олдин ходим огоҳлантирилмаган, МКнинг 101-моддаси талаблари бузилган ҳолда касаба уюшмасининг розилиги олинмаган.

Ўзбекистон Республикаси МКнинг 82-моддаси 6-қисмида ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмагандан қатъи назар, иш бошлангундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланиши кўрсатилган.

"Хатирчи пахта тозалаш заводи" АЖ раиси Э.Қаҳоронинг 2010 йил 2 октябрдаги 257-сонли буйруғида "Жамиятга Абдурайимова Гуллола 2010 йил 2 октябрдан шартнома асосида ҳамшира вазифасига ишга қабул қилинсин" деб кўрсатилган бўлса-да, биринчи ва апелляция инстанцияси томонидан

**Шавкат ГАФФОРОВ,**  
Навоий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

"Хатирчи пахта тозалаш заводи" АЖ билан Г.Абдурайимова ўртасида меҳнат шартномаси тузилмаган деган нотўғри хулосага келинган.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 259-моддаси 1-қисми талабидан келиб чиқиб, меҳнат шартномаси гайриқонуний равишда бекор қилинган ҳодимларни ёки гайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ҳодимларни аввалги ишига тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича суд ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга ёки бошқа ишга ўтказишга фармойиш берган мансабдор шахсни — "Хатирчи пахта тозалаш заводи" АЖ раисини учинчи шахс сифатида ишда иштирок этиш учун жавобгар томонга жалб қилиши шарт бўлса-да, амалда мазкур норма талабларига риоя этилмаган.

Ўзбекистон Республикаси МКнинг 105-моддасида муқаддатли меҳнат шартномаси муқаддат тугаши билан бекор қилиниши, агар шартнома муқаддат тугагандан кейин ҳам меҳнатга оид муносабатлар давом эттаверса ва тарафлардан бирортаси бир hafta давомида унинг бекор қилинишини талаб қилмаган бўлса, шартнома ноумайил муқаддатга узайтирилган деб ҳисобланиши кўрсатилган.

Хатирчи туман марказий шифохонаси билан "Хатирчи пахта тозалаш заводи" АЖ ўртасида 2010 йил 2 октябрда "Тиббий хизмат кўрсатиш" тўғрисида тузилган шартнома муқаддати 2011 йил 31 декабрда белгиланган бўлса-да, ушбу шартнома бекор қилинмаган ва Г.Абдурайимова ушбу шартномага асосан 2013 йил 22 майда ҳамшира вазифасида ишлаб келганлиги суднинг эътиборидан четда қолган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 108-моддасида меҳнат шартномаси бекор қилинган кун иш беришчи ходимга унинг меҳнат дафтарида ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқ нусхасини бериши шартлиги кўрсатилган бўлса-да, иш беришчи томонидан Г.Абдурайимовани ишдан бўшатишда ушбу қонун талабларига риоя қилинмаган. Суд бу ҳолатга ҳам ҳуқуқий баҳо бермаган.

Ўзбекистон Республикаси МКнинг 81-моддаси 2-қисмида иш беришчи корхонада беш кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтаридаги тутиши шартлиги кўрсатилган. Аммо 2 йил 7 ой ишлаган Г.Абдурайимованига жамият томонидан меҳнат дафтарида юритилмаганлиги суднинг эътиборидан четда қолиб, МКнинг 275-моддаси 2-қисмига асосан меҳнат дафтаридаги ўз вақтида бермаганлик оқибатида келиб чиққан мажбурий прокула вақти учун ҳақ ундириб бериш чоралари кўрилмаган.

ФПКнинг 312-моддасига кўра, иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги, моддий ҳуқуқ нормалари ёки процессуал нормаларнинг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланганлиги суднинг қарорини апелляция, касация ва назорат тартибиде бекор қилишга асос бўлади.

Вилоят прокуратурасининг мазкур фуқаролик иши юзасидан фуқаролик ишлари бўйича вилоят судига киритган протести қаноатлантирилди. Биринчи ва апелляция инстанциясининг мазкур иш бўйича чиқарган қарори ва ажрими бекор қилиниб, Г.Абдурайимовани ишга тиклаш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилинди.

## Эртанги кунимизнинг таянчи ва сўянчи

Сурхондарё вилоят прокуратурасининг мажлислар залида вилоят прокуратураси органларида фаолият юритаётган ёш мутахассислар иштирокида "Ўзал ва бетакорримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистони!" мавзусида ўқув-амалий машғулот бўлиб ўтди.

**Илҳом АБДИЕВ,**  
Сурхондарё вилоят прокуратураси катта ёрдамчиси

**А**лоҳида тасдиқланган дастур асосида ўтказилган ўқув машғулотида тақлиф этилган суд-тиббий экспертизлари ҳамда бошқа мутахассислар зарур йўналишлар бўйича маърузалар қилиб, соҳа юзасидан тегишли тушунтиришлар бериб ўтдилар.

Шунингдек, ҳарбий мутахассислар саф тайёргарлигига оид умумий қоидалар, ҳарбий хизматчиларнинг сафга туришдан олдин ва сафдаги мажбуриятлар ҳамда хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя этган ҳолда, қурол билан муомала қилиш, ўқотар қуролларни қисмларга ажратиш ва йиғиш бўйича амалий чиқишлар қилинди.

Ўқув машғулоти якунида ёш мутахассислар билим ва малакасини ошириш борасидаги соҳа йўналишлари ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари кўникмалари бўйича тест синовлари топширишди.

Шу кун и ёш мутахассислар ва уларнинг ота-оналари билан учрашув ўтказилиб, унга Сурхондарё вилоят прокуратураси фахрийси Х.Раимов тақлиф этилди.

Тадбирни Сурхондарё вилоят прокуратури Ботир Қудратходжаев кириш сўзи билан очиб, вилоят прокуратураси органларида прокуратура ходимлари, хусусан, ёш мутахассисларнинг ишини ташкил қилиш борасида яратиб

берилаётган шарт-шароит ва бошқа имкониятлар ҳамда ҳозирги кунда уларга кўйилаётган талаблар хусусида маълумот берди. Шунингдек, ёш мутахассисларни ватанпарварлик ва бурчга садоқат руҳида тарбиялашда фахрийларнинг ўрни бекиёс эканлиги, хусусан, улардаги кўп йиллик билим ва бой тажрибаларни ёшларга ҳам ўргатиш иш фаолиятида уларнинг турли хато ва камчиликларга йўл кўйишларининг олдини олишга хизмат қилишини таъкидлаб ўтди.

Прокуратура фахрийси Холмамат Раимов эса иш фаолияти, соҳада олиб борилаётган ишлар, прокуратура раҳбариятининг кўрсатаётган эътибори, фахрийларнинг ижтимоий муҳофазаси, байрамлар муносабати билан уларни табриклаш тадбирлари, фахрийларга Бош прокурор табрикларининг топширилиши қабили ҳақида гапириб, бу каби тадбирларнинг аҳамияти, уларнинг хизмат ва яшаш шароитларини яхшилаш борасида кўрсатилаётган гаммуҳликнинг қадрига етишга чақирди.

Шунингдек, ёш мутахассисларнинг ота-оналари ҳам сўзга чиқиб, фарзандларига яратилган шарт-шароитлардан миннатдор эканликлари, уларнинг феъл-атворларида, фикрлашларида, жамиятда ўзларини тутишларида ижобий томонга ўзгаришларни сезганликлари ҳақида тўхтадилар.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбирдан сўнг Маннон Уйғур номидagi вилоят мусикали-драма театрида "Чегарачи" номли спектакл намойиш этилди.

## Халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда)

**Сардор ИКРАМОВ,**

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаментининг бўлим катта инспектори

**М**ухокамалар натижаси бўйича тақдим қилинган маълумотларнинг амалий аҳамияти юқори эканига уруғ берилиб, терроризмни молиялаштириш хавфини аниқлаш бўйича тегишли кўрсаткичлар ишлаб чиқиш жараёнида хусусий сектор вакиллари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадига мувофиқлиги таъкидлаб ўтилди.

Ялғи мажлис давомида терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкларини ишга солмай туриб тўхтаб қўйиш (хатлаш, музлатиб қўйиш) бўйича ҳаракатларни амалга ошириш учун мурожаатларни юбориш қўлланмаси тасдиқланди.

Мазкур қўлланма халқаро-ҳуқуқий нормалар талабларидан келиб чиққан ҳолда хорижий давлатга террористик фаолиятда иштирок этган ёки иштирок этишда шубҳа остига олинган шахсларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкларини хатлаш ёки музлатиб қўйиш учун халқаро сўровларни юбориш тартибининг белгилангани.

Бундан ташқари, Корея Республикаси Молиявий разведка бўлимига ташаббуси билан жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш хатарларини миллий даражада баҳолаш юзасидан ўзаро тажриба алмашиш мақсадига семинар ташкил этилди ва унда 200 дан ортиқ мутахассислар қатнашди.

Мазкур ялғи мажлисда Ўзбекистон Республикаси делегацияси вакиллари кун тартибидеги долзарб масалалар муҳокамасида қатнашиш билан бир қаторда бошқа хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан икки томонлама учрашувларда иштирок этди.

Шунингдек, шу кун и ташкил этилган Ўзбекистон ва Япония делегациялари учрашувиде Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти ва Япония Жамоат хавфсизлиги миллий комиссияси ҳузуридаги Молиявий разведка маркази ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги икки томонлама баёнот, Ўзбекистон ва Польша делегациялари учрашувиде Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти ва Бангладеш Молиявий разведка бўлимига ўртасида ҳамкорлик Меморандумлари имзоланди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон ва Бангладеш Республикалари делегациялари ўртасида ташкил этилган учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти ва Бангладеш Молиявий разведка бўлимига ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум имзоланди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўтказилаётган бу турдаги халқаро тадбирларда Ўзбекистон Республикаси вакилларининг иштирок этиши, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимида амалга оширилаётган ишлар юзасидан халқаро ҳамжамиятга маълумотларнинг тақдим қилиниши, хорижий давлатларнинг махсус ваколатли органлари билан ҳамкорлик тўғрисидаги келишувларнинг имзоланиши мазкур йўналишдаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун хизмат қилади.

# Ёшларнинг таълим олиш ҳуқуқи уни таъминлашда ота-оналарнинг ўрни



**Мамлакатимизда умумтаълим мактабларининг 9-синфининг абитуриентлари ўзлари танлаган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқишни давом эттириш ҳаракатида. Бунинг учун ёшларимизга барча имкониятлар яратилган.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 23 майдаги "2016-2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги Қарорига асосан мутасадди раҳбарлар зиммасига умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитиш билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш вазифаси қўйилган. Қарор ижроси бўйича жойларда ишлар қизгин кетмоқда. Аммо ҳали вояга етмаган ёшларнинг бир қарорига келишда ота-оналарнинг ўзига ҳос ўрни ва таъсири борлигини унутмаслигимиз керак. Шу боис ота-оналаримизнинг фарзандлари таълим-тарбияси борасида маъсулиятини яна бир бор еслоб ўқишни лозим топдик.

Маълумки, ҳар бир оиланинг ҳуқуқлари жамият томонидан қонун йўли билан ҳимоя қилинади. Шу билан бирга, оиланинг ҳам жамият олдида ўзига ҳос мажбуриятлари мавжудки, мана шу бурчларни бажаришга ҳар бир оила аъзоси мажбур. Шундай мажбуриятлардан бири оиладаги фарзандлар тарбиясидир. Фарзандлар тарбияси ҳақида фикр юритилганда Президентимизнинг "Агар дунёда энг

мураккаб, шу билан бирга, энг маъсулиятли касб нима? — деб сўрашса, мен ота-оналик, мураббийлик деб айтган бўлардим", деган гаплари ёдимизга тушади.

Конституциямизнинг 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттунарига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар, деб кўрсатилган. Шунингдек, Оила кодексининг 2-моддасига кўра, бола туғилган ва яшаб турган оилага унинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолга етиши ҳақида гамхўрлик қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш вазифаси юклатилган.

"Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 30-моддасида вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими олишлари учун жавобгардирлар, дейилган.

Боланинг билим олиш ҳуқуқи халқаро ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган. БМТ томонидан қабул қилинган "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенциянинг 28-29-моддаларида таълим ва таълимдан кўзланган мақсадларга тўхталиб ўтилган. Унда бола таълим олиш ҳуқуқига эга ва бунда

давлатнинг вазифаси бепул ва мажбурий бошланғич таълимни таъминлашдан, ҳам умумий, ҳам касб-хунар бўйича ўрта таълимнинг турли шакллари ривожланишини рағбатлантиришдан ҳамда ҳаммамнинг ўз лаёқатига қараб олий таълимдан баҳраманд бўлишини таъминлашдан иборатдир, дейилган. Шунингдек, конвенциянинг 18-моддаси бола тарбиясида ота-онанинг маъсулияти, 19-моддаси эса ота-онани бола тарбиясига лоқайд муомалада бўлишдан ҳимоялаш ҳуқуқига бағишланган. Унда ота-она биргаликда бола тарбияси учун асосий жавобгар ҳисобланади, давлат эса бу борада уларни қўллаб-қувватлаш шартлиги ҳамда давлат болани тарбиялашда ота-онига тегишли ёрдам кўрсатиши зарурлиги ва аксинча, болага гамхўрлик кўрсатмаслик ёки бепарволик билан муомалада бўлишдан ҳимояланиш мақсадига қонуний, маъмурий, ижтимоий, маърифий чора-тадбирларни кўрадилар, дейилган. БМТнинг аъзо давлати сифатида бизнинг мамлакатимизда ҳам ушбу масалалар ўз ечимини топади.

Дарҳақиқат, болаларнинг таълим-тарбияси давлатимизнинг доимий эътиборида. Мамлакатимизда "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида кўплаб касб-хунар коллежлари, академик лицейлар барпо этилди ва замонавий жиҳозланди. Ана шу таълим даргоҳларида ёшларимиз таълим-тарбия олиб, турли касб-хунар сирларини ўрганмоқда. Аммо айрим ота-оналар ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ўзларининг мажбуриятларини бажармаётдилар. Аниқроғи, 9-синфини битирган ёшларни ўрта махсус, касб-хунар таълимига жалб этиш, касбга йўналтириш ўрнига, уларни меҳнатга жалб этиш ёки уйда олиб ўтиришни афзал кўрмоқда.

Ёшларимиз мажбурий 9 йиллик таълимни тугатганларидан сўнг, яна уч йил ўрта махсус, касб-хунар ўқув юрти — академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига таълимни мажбурий-ихтиёрий давом эттирадирлар. Мажбурийлик бу икки йўналишдан бирида ўқишни давом эттиришнинг шартлиги бўлса, ихтиёрийлик эса ўқувчининг ўзи

қизиққан ҳамда лаёқатига мос касб-хунарни эркин танлашидир.

Психологик-педагогик ташхис марказлари раҳбарлигида мактаб жамоаси ва ота-оналар ҳамкорлигида ўқувчилар касб-хунарга йўналтирилади. Мамлакатимизда ташкил этилган ташхис марказлари ўқувчилар қобилиятини аниқлайди, тиббий-педагогик кўриклар ўтказишади, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига ёрдам кўрсатади. Ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда академик лицей ёки касб-хунар коллежларини танлашда кўмаклашади.

Ота-оналарнинг ҳаммаси ҳам фарзандларини касбга тўғри йўналтиришда мактаб ва ташхис марказлари ёрдамидан самарали фойдаланмоқда, дея олмаймиз. Уларнинг баъзилари Ўрта махсус касб-хунар таълими ва халқ таълими муассасалари ҳамкорлигида ўқазилаётган "Очк эшиклар куни", "Касблар фестивали", "Маҳорат", "Хайр мактаб, салом коллеж!" каби тадбирлардан унумли фойдаланмаётдилар. Яна баъзилар ўз фарзандларига қизиқишини эътиборга олган ҳолда тўғри йўналиш бермаётдилар. Айрим ота-оналар эса бола меники, истамасман, истамасман йўқ, дея фарзандларининг келажақ тақдирига бефарқ бўлмоқдалар. Бундай ота-оналар вояга етмаган фарзандлари олдидаги мажбуриятни бузган ҳисобланадилар.

Оила кодексининг 73-моддасида ота-онанинг болаларга таълим-тарбия беришига оид ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Унга кўра, ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаш шарт. Ота-она болаларининг қонун ҳужжатларида белгиланган зарур даражада таълим олишини таъминлаш шарт. Оила кодексининг 67-моддасида боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи ҳақида шундай дейилади: "Боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан, ота-она (улардан бири) болани тарбиялаш ва таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суистеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сураб, васийлик ва ҳоимийлик органи-

**Алишер АБДУСАЛОМОВ,**  
Тошкент вилоят прокурорининг ёрдамчиси

га, 14 ёшга тўлгандан кейин эса, мустақил равишда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга".

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 47-моддасида болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасида мажбуриятларни бажармаслик учун жавобгарлик асосан ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан, вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши — энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисминдан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмига кўра, болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўсқинлик қилиш — энг кам иш ҳақининг беш бараваригача ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Биз фарзандлар тарбиясида ўз мажбуриятимизни ва маъсулиятимизни унутишга ҳаққимиз йўқ. Ёшларнинг келажаги порлоқ бўлиши ва баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказишда ҳар биримиз маъсул эканлигимизни унутмайлик. Ўрта махсус, касб-хунар таълими бола учун жуда муҳим рол ўйнайди. Ёшларнинг ушбу таълим турини танлаб, билим олишига ёрдам бериш биз ота-оналарнинг 67-моддасида боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи ҳақида шундай дейилади: "Боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан, ота-она (улардан бири) болани тарбиялаш ва таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суистеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сураб, васийлик ва ҳоимийлик органи-

ҳимият, маҳалла, оила, таълим муассасалари ўзaro ижтимоий шерикликини қучайтириш лозим. Зеро, келажагимиз ёшлар қўлида экан, уларни буюк аждодларимизга муносиват, ҳеч кимдан кам бўлмаган, билимли, ижодий-интеллектуал салоҳияти юксак инсонлар қилиб вояга етказиш барчамизнинг вазифамиздир. Ҳеч биримизнинг бу борада бефарқ бўлишга ҳаққимиз йўқ.

Тошкент ахборот технологиялари университетига кенг жамоатчиликни университетда мутахассислар тайёрлаш борасида яратилаётган шароитлар ва абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш тартиби билан таништиришга бағишланган пресстур ўтказилди.

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини такомиллаштириш, соҳада кадрлар салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани самарасида телекоммуникация хизматлари бозори ва дастурий маҳсулотлар соҳаси жадал ривожланмоқда. Шу боис дастурий ва компьютер инжиниринги, телекоммуникация технологиялари каби таълим йўналишлари оммалашмоқда. Тошкент ахборот технологиялари университетида шу ва бошқа йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Университет ректори Ў.Хамдамов-

## Абитуриентлар учун қулайлик

нинг сўзларига кўра, олий ўқув юртида абитуриентлар учун шароит ва қулайликлар яратиш борасида самарали ишлар олиб борилиб, янгиликлар жорий этилмоқда. Президентимизнинг шу йил 26 майдаги "2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги Қарори ушбу жараёни такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди.

Бу ерда ташкил этилган ахборот баннерлари ва катта LED-экранларда барча зарур ахборот — ҳар бир йўналиш учун ажратилган квоталар, тақдим этилган аризалар сонини мониторинг қилиш, кириш имтиҳонлари ўтказиладиган жойлар ҳақида маълумот, олий ўқув юрти ҳудудидаги объектлар номи

ёзилган харита ва бошқа маълумотлар билан танишиш мумкин.

— Университетда яратилган шароитлар, аввало, вақтни тежаш имконини беради, — дейди абитуриент Фотима Нурмухамедова. — Қабул комиссияси аъзолари бир хил либосда. Бу, биз, абитуриентлар учун ҳам қулай. Шунингдек, ҳужжатларни онлайн режимида олий ўқув юртининг расмий сайти орқали қабул қилиш бўйича интерфаол хизматдан фойдаланиш имконияти яратилган.

Айни пайтда онлайн-хизматдан 1300 дан зиёд абитуриент фойдаланди.

Университет ва унинг ҳудудий филиалларида 9 та таълим йўналиши тақдир этилган бўлиб, уларнинг ҳар бири меҳнат бозоридаги талабдан келиб чиқ-

қан ҳолда тасдиқланган. Хусусан, 2016/2017 ўқув йилида университетда магистратуранинг янги икки — "Ахборот хавфсизлиги" ва "Электрон тижорат" йўналиши бўйича мутахассислар тайёрланади.

Ўқитувчиларнинг билим ва маҳорати юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда муҳим ўрин тутади. Шу боис янги ўқув йили бошлангандан олдин ўқитувчилар учун малака ошириш курслари ташкил этилиб, уларда Сунгшил университети (Жанубий Корея) профессорлари маъруза қилмоқда.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

# Масъулиятли вазифа

Тинч-осуда ҳаётимиздан мамнун ҳар бир фуқаро юртимизнинг равнақи, турмушимизнинг фаровонлигига замин бўлиши тинчлик, омонликнинг доим осмонимиз узра мангу бўлишини истади. Бугунги дориламон кунларга шукроналар айтади. Осмон мусаффо юртимизда ёш авлоднинг камол топишини тилади.



Таъкидлаш жоизки, бундай тинчликнинг замирида халқимизнинг жипслиги, Ватан истиқболи учун ҳар жабҳада қўшаётган ҳиссаси-ю, Юртбошимизнинг оқилана олиб бораётган ислохотлари ётади.

Тинчлик олий қадрият, олий неъмат демакдир. Бу ҳақда сўз юритганда, албатта, биз илми, зуқко ва маърифат-парвар инсонларнинг истиқболимиз учун қўшган беқисс хизматларини алоҳида эътироф этишимиз жоиз. Чунки ҳар биримиз жамиятдаги ўрнимизга устоз-у мураббийлар берган ўғит ва сабоқлар туфайли эришиб келганмиз.

Маълумки, таълим жамият равнақи, ривожланиши ва юксалишида муҳим рол ўйнайди. Юқори билимга эга мутахассислар илмий-тадқиқот ишланмалари билан шугулланиш, янги маҳсулот турларини яратиши ва технологияларни ривожлантириш имкониятига эга бўлади.

Истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан давлатимиз томонидан ёш авлод таълим-тарбиясига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Бу соҳада кенг қўламли чора-тадбирлар белгиланиб, амалиётга татбиқ этилди. Қадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниб, узлуксиз таълим тизими жорий қилинди.

Бу тизим таълим жараёнининг барча босқичларини — мактабгача ва мактаб таълимидан тортиб ўрта-максус, касб-хунар ва олий таълим бўлини, шунингдек, халқаро меъёрларга мос ҳолда бевосита фан доктори даражасини олиш учун диссертация химоясини назарда тутадиган олий таълимдан кейинги бир босқичли таълимни ўз ичига қамраб олди.

Таълимнинг замонавий илгор услубларининг кенг жорий қилиниши ёшларимиз билан ва дунёқарашини кенгайтирди. Улар халқаро фан олимпиадалари, интеллектуал беллашувлар, кўрик-танловларда қўлга киритаётган ютуқлари билан Ўзбекистон доирасини дунёга таратмоқдалар. Биргина мисол, Таиланд давлатида математика фани бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган 56-жаҳон фан олимпиадасида мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари бўлган бухоролик ўқувчилар фахрли бронза медалига сазовор бўлишди. Жорий йил бошида Қозоғистонда ўтказилган фан олимпиадасида математикачи ёшларимиз кумуш медални қўлга киритишди.

Ҳақиндаги Москва шаҳри-

да МДҲ мамлакатларининг 97 талабалиқлари ўртасида ўтказилган "Очиқ интернет халқаро олимпиадаси"да кимёгар талабаларимиз кумуш ва бронза медалларига эга бўлишди. Бундан аввалроқ, ЎзМУнинг механика-математика факультети талабалари Ҳакимбой Эгамбергоров ва Шоҳрух Ибрагимов Кипрда математика фани бўйича ўтказилган 10-халқаро "SEEMOUS 2016" олимпиадасида иштирок этиб, олтин медалларни қўлга киритишган эди. Академик лицей талабаларининг фан олимпиадаларидаги медаллари сони эса 33 тадан ошди.

Бундай ютуқлар таълим соҳасига қаратилётган юксак эътибор ва уларга сабоқ бераётган устозларнинг ўз касб-ларини сидқиқидан адо этиб келаётганлигидан далолатдир.

Афсуски, баъзи инсонларни ўзига тобе қиладиган нафс деган иллат борки, у соя кафи инсонни таъқиб қилиб, турли қинғирликларни содир этишга бошлайди. Ушбу иллат бу касб эгаларини ҳам четлаб ўтмайпти.

Соҳа вакилларининг бундай нохуш ҳолатларга тушиб қолмасликлари, тамағирлик ва порахўрлик жиноятларини содир этмасликлари ниҳоятда муҳим. Бундай иллатнинг олдини олиш ҳамда профилактика нуқтаи назаридан махсус фильмлар ишланиб, соҳа мутахассисларига намоиш этиб келинмоқда. Жумладан, Бош прокуратура раҳбарияти ташаббуси билан шунга ўхшаш салбий ҳолатлар ва коррупциянинг ҳалокатга элтувчи иллат эканлиги ҳақидаги видеороликлар мунтазам намоиш этиб борилаётганлиги ҳам бежизга эмас.

СВОЖДЛҚК департаменти органлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда таълим соҳасида бундай иллатга қўл уратган нопок кимсаларга нисбатан кескин чоралар қўриб келинмоқда. Жумладан, Қува тиббиёт коллежи директори Ботир Маҳкамов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) муқаддам содир этган жинояти учун унга нисбатан қўланилган амнистия актининг хатоларни тузатишга бир имконият эканини унутди.

Лавозимини нафси йўлида бир восита деб билди, Тошлоқ туманидаги умумтаълим мактабларидан бирини таломлаётган Н.Зариповани ўзи бошчилик қилаётган тиббиёт коллежига ўқишга қири-

тиш эвазига онаси М.Мусаевадан тамағирлик йўли билан 300 АҚШ доллари олади.

Кейинги сафар Б.Маҳкамов коллеж лаборанти К.Ўразалиевани ўзига шерик қилади. К.Ўразалиева фуқаро М.Ҳасанованинги хияни Л.Солиева ҳамда унинг икки нафар дургонасини ушбу коллежга директор орқали ўқишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, улардан 1100 АҚШ доллари олаётган вақтида ашвейи далиллар билан ушланди...

Яна бир мисол. Жалил Насриев ўз устиди тинимсиз ишлайдиган, ўз касбининг билимдони бўлгани сабабли у Бекомбод шаҳридаги тиббиёт коллежига дастлаб ўринбосар, кейин эса директор лавозимига лойиқ топилган эди. Бироқ унга билдирилган ишонч, минг афсуски, қўпга бормади.

Ўтказилган тадбирда Ж.Насриев мактаб ўқувчилари Ж.Шонёзова, Ш.Рамотова ва З.Манноновларни тиббиёт коллежига киритиб қўйиш эвазига уларнинг ҳар биридан 300 АҚШ долларидан жами 900 АҚШ долларини хизмат хонасида олаётган вақтида ушланди.

Шунингдек, нафс гирдобига тушиб, муқаддам икки бор фирибгарлик жинояти учун амнистия акти қўлланган Бегмат Туробов ҳам ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, яна нафс ботқоғига ботди. Наманган вилоятидаги коллежлардан бирида ахборот-ресурс маркази раҳбари вазифасида ишлайётган Б.Туробов фуқаро Ш.Асиловадан унинг ўғлини тиббиёт коллежига танишларни орқали киритиб қўйишни ваъда қилиб, 600 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан олган. Ўғли ўқишга қира олмагач, Ш.Асилова ундан 600 АҚШ долларини қайтариб олади. Бироз вақт ўтиб, Б.Туробов яна бир фирибгани йўлаб топади. Яъни Ш.Асилова ва Б.Тиллаевага фарзандларининг ўқишини тиббиёт коллежига қўчириб бера олишини айтади ва 1800 АҚШ доллари қўлга киритади.

"Ўрганган кўнгил ўртанган қўймак" деганларидек, Б.Туробов ўзи ишлаб келаётган энгил саноат коллежиде куб тўбонхачи штат бирлиги бўлмаганда, фуқаро Қ.Фаниевга танишлари орқали уни куб тўбонхачи вазифасига ўтказиб қўйишни ваъда қилиб, ундан 100 АҚШ долларини олаётган вақтида ушланди.

Суд томонидан фирибгарларнинг барчасига нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Юртимизда спортнинг оммавий тури бўлган футболни янада ривожлантириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар қўрилиб, маҳаллий футбол клубларимиз профессионал даражага кўтарилди.

Ёшларни спортга жалб этиш, ишончли захирани шакллантириш ҳамда болалар ва ўсмирлар футболни ривожлантиришга қаратилган кўпжа ҳукумат доирасидаги қарорлар қабул қилиниб, ижроси таъминланмоқда.

Бундай саъй-ҳаракатлар самарасини биз ёшларимизнинг халқаро ва жаҳон майдонларида кўрсатаётган ютуқларида ҳам кўришимиз мумкин. Бироқ айрим футбол мураббийлари ёшларни спорт даргоҳи ва футбол клубларига жалб этиш учун фирибгарлик билан пул олиш пайида бўлишмоқда.

Футбол мураббийси Аҳмад Тошматов ҳам ёшларга сабоқ бериш ўрнига содда ва ишонувчан одамларни ўзининг тузоғига илтиришга ҳаракат қилади. У ўзига ўхшаган айрим ҳамкасблари билан тил бириктириб, фуқаролар Б.Дўсमतов, Д.Нуралиева ва Г.Қўзиёваларнинг фарзандларини Олимпия захиралари коллежига ўқишга киритиб қўйишни, у ерда таниши борлигини айтиб, улардан 5100 АҚШ долларини олади ва ўз эҳтиёжлари учун ишла-тиб юборади. Уларнинг кейинги уринишлари самара бермади...

Мазкур шахслар суд ҳукми билан қилмишларига яраша жазо олишди.

Бундай жиноятларни таҳлил этиб, ҳолис, ҳаққоний фикрга келиш ҳар жиҳатдан аҳамиятли. Таълим соҳасида кўзга ташланиб қолаётган салбий ҳолатларга барҳам бериш, мутасадди ходимлар ва ўқитувчиларнинг масъулиятини янада ошириш соҳа фаолиятининг тақомиллашуви ҳамда ёшлар ақл-заковатининг юксалишига хизмат қилишини унутмаслик лозим.

Шу ўринда бир мулоҳаза, фуқароларимизнинг фарзандларини ўқишга киритишда белгиланган қонуний меъёрлар билан эмас, балки ўзларини ҳар хил қиёфага соладиган фирибгар-у мансабини суистеъмол қилувчи тамағирлар ва порахўрлар орқали осонгина ҳал этиш мумкин, деб иш тутишларини ҳам аслида оқлаб бўлмайди.

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти таҳлил қилар эканмиз, аслида ёш авлодга маърифат, маънавият улашиб, уларга ўрнатилган қўлуқчиликнинг ўзи жўнаётга қўл уриб, уларни эгри йўлга бошлаб турса, улар тарбия бераётган авлод-

Бахтиёр ИБАТОВ,  
Бош прокуратура ҳузуридаги  
СВОЖДЛҚК департаменти  
бошлиғининг биринчи ўринбосари

дан нимани кутиш мумкин?! Адолат, тўғрилик, қонунларни ҳурмат қилиш ҳақида сўз юритиб турган ўқитувчининг ўзи унга амал қилмай, ўқувчиси, шоғирдларидан тама қилиб туриши қанчалар аянчли ҳолат.

Шу ўринда бир мулоҳаза, масалага оддийгина ёндашас. Айтилик, ўқувчи тиббиёт, педагогика ёки спорт йўналишига ўқишга пора билан кирди ҳам дейлик. Кейинчи, бу талаба ўқиш даврида ўқитувчиларга пул бериш орқали ўқиб, уни тамомлади ҳам дейлик.

Вақти келиб, сабоқ талаба ўқув даргоҳида раҳбар ёки мансабдорлик лавозимида ишлаш бошлади. Ўзининг "олтин даври"ни пул билан ҳовучлаган раҳбардан нимани кутиш мумкин? Унинг ўқиш истагида юрган ёш авлоддан пул талаб қилмаслигига ким қаролат беради?

Бу ҳолат жамиятимиз учун ҳавфли бўлган коррупция деган иллатнинг илдириштишига олиб келмайдими? Ёки бўлмаса, яна бир шунга ўхшаш талаба ўқишни битириб, ўқув даргоҳида таълим бермоқда дейлик. Вақтида ўзи таълим олмаган муаллимдан ҳафсаласи пир бўлган ўқувчилар унинг дарсига келмаслиги табиий ҳол. Бу ўқув давомидаги салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди, албатта.

Худди шундай осонгина ёки ноқонуний йўллар билан тиббиёт ёки бўлмаса, спорт даргоҳларини тамомлаган талаба кейинги авлодга нималар ҳақида сабоқ бериши мумкин?

Ёшларнинг турли ташқи қучлар ҳамда бутун жаҳон ҳам-жамияти мурасасиз курашаётган диний экстремистик оқимлар, террорчи ҳаракатлар таъсирига билимсизлиги, дунёқароши торлиги боис тушиб қолаётгани айна ҳақиқат.


Бундай нохуш ҳолатлар барчани хушёрликка, янада масъулиятли бўлиб, зиммасига юклатилган вазифани виждондан адо этишга чорлаши лозим. Ўқитувчи бу юртнинг эртанги кун, эртанги илми, зуқко авлодларни вояга етказадиган, керак бўлса, отадек улуг макомга эга касб эгаларидир. Улар энг оғир давр ва замонларда элни маърифатга, фидойилликка чорловчи инсонлар бўлишган.

Халқимиз фидойи устозларни ҳар доим қадрлаган, янада юқорида тилга олинган жоний ҳолатлар, албатта, доим эл ардоғида бўлган фидойи ва ҳалол ўқитувчи-мураббийларимизнинг ҳурмат ва эътиборига заррача даҳл қилмайди.

Президентимиз Ислам Каримов доим бир нарсани эътироф этадилар, "Жамият тарқиқийнинг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоларидиган ягона қўш — маърифатдир". Ўқув муассасаларидаги навниҳоллар ана шу тўғридаги билан ўқиб, улашгади. Ўзлари учун ибрат олади.

# Суд ҳукмининг ҳуқуқий табиати

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари натижалари жиноят ишлари бўйича судлар томонидан чиқарилган ҳукмларнинг қонуний кучга кириши ва ижро этилиши долзарб аҳамият касб этиши ва бу жараён суд ҳужжатларини ижро этиш билан боғлиқ иш юритиш каби жиноят процессидаги аънанавий босқичлардан фарқ қилишини кўрсатади.



Суд ҳукмини ижро этиш давлат ижроия ҳокимияти органларининг вазифаси бўлиб, бу ҳужжатнинг ўз вақтида ва тўла ижро этилиши бўйича судлар ижроия органларига тегишли топшириқлар бериши ва талаблар қўйиши, шунингдек бу органларнинг илтимосномаси ёки тақдирномасига кўра, суд ҳужжатлари мазмунига оид тегишли тушунтиришлар бериши мумкин. Жиноят ишлари бўйича суднинг ҳукми, агар унинг устидан шикоят ва протест берилмаган бўлса, апелляция тартибда шикоят ва протест бериш мuddати ўтгандан кейин, агар апелляция тартибда шикоят ёки протест берилган бўлса, ишнинг юқори инстанция суди кўриб чиққан кун қонуний кучга киради. Агар ҳукмининг фақат бир қисми устидан шикоят берилган бўлса ёки бир неча

шахс айбдор деб топилган бўлиб, улардан фақат биттасига нисбатан шикоят ёки улардан биттасига нисбатан протест берилган бўлса, бундай ҳолларда иш юқори инстанция судида кўриб чиқилган ҳукм барча судланганларга нисбатан қонуний кучга киради. Масаланинг бундай тарзда ҳал қилиниши иш бўйича судланган барча шахсларга нисбатан қонуний ва асосланган ҳукм чиқаририлган ҳукм чиқаририлганлигини текшириб кўриш заруратидан келиб чиқади.

Бир неча шахс айбланган иш бўйича ҳукмининг маҳкумлардан фақат айримларига оид қисми юзасидан шикоят ва протест берилган тақдирда ҳам ҳукм қисман кучга киради, иш юқори инстанция судида кўриб чиқилгандан кейин барча судланганларга нисбатан бири-бирига қонуний кучга

киради. Шунингдек, агар маҳкумлардан бирортаси шикоят ёки прокурор протест берган бўлса, оқланган шахсга нисбатан ҳам, ҳукм юқори инстанция судида апелляция тартибда кўриб чиқилгандан кейингина қонуний кучга киради. Юқори инстанция суди жиноят ишини апелляция тартибда кўриб чиққан ҳукм чиқарган судга ишни дарҳол қайтариши шарт. Ҳукм чиқарган суд ишни олган, уч кун мобайнида ҳукмининг нусхасини уни ижро этувчи муассаса ёки органга юбориши шарт. Бироқ жазо тайинланган кундан бошлаб йигирма беш йил ўтган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ЖЗнинг 69-моддаси тўртинчи қисмида кўрсатилганидек жазони ижро этиш мумкин эмас.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, айрим хорижий давлатлар қончилигида, жумла-

дан Россия Федерациясида содир этган жинояти учун ҳукм қилинган ҳар бир шахс суд ҳукмининг юқори босқичидаги судлар томонидан қайта кўриб чиқилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси ЖЗда эса, суд қарорларининг қонунийлигини текшириш мустақил босқич сифатида эътироф этилган бўлиб, бу судлар ваколатининг кенгайтирилганлиги, унинг зарурлиги ва муҳимлигидан далолат беради.

Суд ҳукмининг қонунийлигини текширишнинг умумий шартлари ўз ичига апелляция, кассация ва назорат инстанцияларига тааллуқли бўлган қўйидаги умумий жиҳатларни бirlаштиради:

— юқори суд томонидан жиноят ишини кўришда прокурорнинг иштироки этиши;

— юқори суд томонидан жиноят ишини кўриш чоғида қўшимча материалларни тақдим этиш ёки талаб қилиш;

— жиноят ишини юқори суд томонидан кўришда қатъий чегаранинг мавжудлиги;

— юқори судда жиноят ишини кўриш мuddатининг белгиланганлиги;

— ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асослар;

Жамшид САЛОХИДДИНОВ,  
Зарбдор туман прокурори

— апелляция, кассация ва назорат тартибда иш кўрувчи судларнинг ваколатлари;

— юқори судларнинг жазони кучайтиришга ва оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллашга ҳақли эмаслиги;

— юқори суд кўрсатмаларининг мажбурийлиги кабилар.

Кўрсатиб ўтилган умумий шартлар суд қарорлари ўз вақтида ва тўлақонли ижрога қаратилишига замин яратиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг жиноят ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибда кўриш амалиётига оид қарорларига кўра, суд қарорлари устидан белгиланган тартибда шикоят бериш ёки протест билдиришга, шунингдек, суд қарорларини назорат тартибда қайта кўриб чиқишни илтимос қилишга ҳақли бўлган процесс иштирокчилари ва шахслар қатъий белгиланган бўлиб, бундай шахслар доирасини кенгайтириб талқин қилишга йўл қўйилмайди.

[Давоми 9-бетда]

Моҳияти жиҳатидан "қуллар савдоси"га ўхшаб кетадиган одам савдоси замонавий тус олиб, жиноий фаолиятнинг сердаромада соҳалари билан бирига айланмоқда ва даромад келтириши жиҳатидан ноқонуний қўрол ҳамда гўёивандлик воситаларини сотиш каби жиноий турлари билан рақобатлашмоқда. Бу эса одам савдосига қарши курашга ҳалқаро миқёсда таъсир чораларини кучайтириши, ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиши ва кучларни бirlаштириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Бу иллат республикамизнинг баъзи фуқароларига ҳам катта таъшишу надомат келтирмоқда. Ачинарлиси, жабр тортаётганларнинг аксариятини ёшлар ташкил этаётган. Одам савдоси билан шуғулланувчи кимсалар эса "алдагани бола яхши" нақлига амал қилиб, айнан содда, ишонувчан, "оку қора"нинг фарқига бормеган ёшларимизни ўз тузоқларига илтириришга ҳаракат қилмоқдалар.

Ўтган йиллар мобайнида республикамизда бундай жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида қатор амалий ва ташкилий ишлар амалга оширилди. Авваламбор, республикамизда одам савдоси жиноятларига қарши кураш ва уларга барҳам беришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий база мустаҳкамланди. Давлатимиз одамларнинг яширин траффингига қарши курашиш ва унинг қурбонларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳалқаро ҳужжатларга қўшилди ва улар ратификация қилинди.

Жумладан, давлатимиз 2003 йил 12 декабрда Бirlашган Миллатлар Ташкилотининг 1950 йилда қабул қилинган "Одам савдосига ва унинг ишчи шахслар томонидан танфурушликдан фойдаланишига қарши кураш тўғрисида"ги Конвенциясига қўшилди. Бундан ташқари, Бirlашган Миллатлар Ташкилоти Бир Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги резолюцияси билан қабул қилинган Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш

ҳақидаги протокол 2008 йил 8 июлда ратификация қилинди.

Шу тариха мустақиллик йилларида хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик (шу жумладан, одам савдоси)нинг хавфли кўринишларига қарши кураш ҳақида 29 та шартнома ва келишув имзоланди. Мазкур ҳалқаро-ҳуқуқий нормалар доирасида одам савдосига қарши кураш фаолиятини тартибга солувчи миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, уларни амалга таъбиқ этиш чоралари кўрилди.

Шу маънода 2008 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниши мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш, бу балои азимдан жабрланганларни ҳимоялаш борасида муҳим босқич бўлди.

Одам савдоси билан боғлиқ маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бундай жиноий фаолият билан шуғулланувчи кимсалар унинг қурбонига айланаётган шахсларнинг ишончига алдов йўли билан кириб, ўзларини гўёки уларнинг муаммосини ҳал этиш усулларини яхши билладиган "мутახассис" сифатида кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Жабрланувчининг бошқа қариндош-уруғлари, қўни-қўшнилари ва маҳалладошлари ҳам бундай хатти-ҳаракатларнинг қурбонига айланаётганлари ачинарли ҳолдир. Чунки одам савдоси билан шуғулланувчилар бундай савдонинг қурбонига айланаётганларни имкон қадар ўз назоратига ушлаб туриш ва кўпроқ фойда олиш мақсадида уларнинг ҳужжатларини (паспорт, миграция картотчаси ва ҳоказоларни) ноқонуний эгаллаб, хорижий давлатда эркин ҳаракатланиш, ҳимояси остида бўлган давлатнинг тегишли ваколатхоналарига мурожаат этишига тўсқинлик қиладилар, натижада мазкур шахслар ўзини ҳуқуқий ҳимоялаш имкониятидан маҳрум этилади. Шу тариха алданган ҳолда ўз юртидан олиб чиқиб кетилган инсон, жинси ва ёшидан қатъий назар, таҳқирлаш ҳамда ҳуқуқларининг чекланиши оқибатида ҳар

қандай "юмуш"ни бажаришга мажбур қилинади.

Бунга рози бўлмаганларга нисбатан эса куч ишлатиб, жисмоний азоблаш, қийнаш, турли даражадаги тан жароҳати етказиш, шулар билан таҳдид қилиш усуллари кенг қўлланилади. Баъзи ҳолларда эса қулликка ёки фоҳишалик билан шуғулланишга кўнмаганларни ўлдирши билан ҳамда чет элда яшаш учун руҳсати бўлмаган, кириб-чиқиши норасмий бўлганларни ўша давлатнинг тегишли хизматларига ушлаб бериш таҳдиди билан қўрқитиш орқали ҳам бундай жиноятлар амалга оширилмоқда. Жабрланувчининг ақинлари ёки фарзандларини эл-юрт олдида шарманда қилиб, турли уйдирмалар тарқатиш билан қўрқитиш усуллари ҳам одам савдоси билан шуғулланувчиларнинг қуролига айланмоқда.

Олиб борилган тадқиқотларга кўра, фирибгар қўлига тушган ва одам савдоси қурбонига айланган шахсларнинг аксарияти уларга нисбатан жисмоний ва руҳий таъзиқ ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар ошкор бўлишидан чўчишса, қайсидир маънода йма-нишса, қолганлари эса ўзининг хорижга ноқонуний чиққанлиги фош бўлишиндан қўрқадилар.

Шунинг учун ҳам бундай жиноят қурбонларининг кўпчилиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этмайдилар. Бу эса одам савдоси билан шуғулланган кимсаларнинг жавобгарликдан қўтилиб қоллишига олиб келади ва натижада улар ўзларининг қабих ишларини давом эттиришларига имкон яратиб беради.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш ва бу иллатнинг олдини олиш, кенг ҳалқ оmmasи ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш ва энг асосийси, ушбу жиноятдан жабрланганлар онгига улар давлатимизнинг ишончли ҳимоясида эканлигини тeранoқ сингдиргиш мақсадида одам савдосига қарши курашиш бўйича республика Идораларо комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Одам савдосига қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириш мақсади-

## Жиноят жабри

Баҳром ТОШТЕМИРОВ,

Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи

да давлатимиз раҳбари томонидан миллий тадбирлар режаси тасдиқланди ҳамда ижрога қаратилди.

Ўтган вақт мобайнида мазкур режа асосида мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишлар кўлами кескин жонланди, бундай иллатлардан фуқароларимизни ҳимоя қилишнинг аниқ чоралари кўрилди, айбдорларга нисбатан жазо муқарраллиги таъминланмоқда. Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация маркази самарали фаолият кўрсатмоқда. Амалга оширилган ишлар натижасида одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг фош этилиши кўрсаткичлари сезиларли даражада яхшиланди.

Мамлакатимизда чет элга ишлаш учун чиқишини қонун билан белгиланган тартиб-қоидалари бор ва бу йўналишда ваколатли идоралар фаолият юритмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан республикамиз фуқароларининг чет элларда меҳнат фаолиятини тартибга солишга доир бир қатор қарорлар қабул қилинган. Мазкур қарорларда ташқи меҳнат миграциясини давлат томонидан бошқариш, республикамиз фуқароларининг чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чиқиб кетишини ташкил ташкил тизими ва унинг механизмлари аниқ белгилаб берилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, одам савдосига қарши курашиш бугунги кунда нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг, балки мамлакатимизда яшаётган ўзининг юртига, халқига, оиласига ва яқинларининг ҳаёти ҳамда келажакка бефарқ бўлмаган барча фуқароларнинг олдида турган масъулиятли вазифадир. Ушбу иллатга қарши курашиш учун фуқаролар доимо ҳушёр бўлишлари лозим. Зеро, ҳушёрлик ва оғоҳлик жамият ҳуқуқий маданиятининг негизини ташкил этади.

# Қонунлар тарғиботи — муҳим вазифа

Янги қабул қилинган қонунлар, қонунчиликка киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар, Президентимизнинг фармон, қарор ва фармойишлари ҳамда ҳукуматимиз қарорларининг мазмун-моҳиятини аҳоли эътиборига тезкорлик билан етказиш, бу борада қонунчилик тарғиботи тадбирларини самарали ташкил этиш қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларни қонунларга риоя этиш руҳида тарбиялашнинг муҳим омилдир.

2016 йилнинг 26 апрелидан кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун мамлакатимиздаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга ва мустаҳкамлашга қаратилди. Бу қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳам айрим қўшимча ва ўзгаришлар киритилди.

Айниқса, паспорт тизими, Ўзбекистон Республикасида бўлиш, бино, иншоот, турар жойлардан фойдаланишдаги муносабатларни тартибга солиш ҳамда бу қоидаларни бузганлик учун жавобгарликни белгилловчи қонун ҳужжатларига киритилган қўшимча ва ўзгаришларни аҳоли эътиборига етказиш муҳимдир.

Оқорида зикр этилган қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш тартибини белгилловчи 291-модда билан тўлдирилди.

Унга кўра, чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш тартибини белгилловчи 291-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш тартибини белгилловчи 291-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш тартибини белгилловчи 291-модда билан тўлдирилди.

Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш тўғрисидаги суд қарорини ба- жармаслик эса кодексга кири-

тилган 225<sup>1</sup>-моддага мувофиқ энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс XXX<sup>1</sup> боб билан тўлдирилганлиги аҳамиятлидир, чунки бу бобда чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш тартибини белгиллаб берилди.

Кодекснинг 346<sup>1</sup>-моддасига кўра, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш тартибини белгиллаб берилди. Кодекснинг 346<sup>1</sup>-моддасига кўра, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш тартибини белгиллаб берилди. Кодекснинг 346<sup>1</sup>-моддасига кўра, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш тартибини белгиллаб берилди.

Шунингдек, мазкур кодекснинг 159<sup>1</sup>-моддасига кўра, фуқаролар ўртасида бинони, иншоотни ёки улар-

нинг бир қисмини, турар жойни текин фойдаланишга бериш шартномасининг мавжуд эмаслиги ёхуд бундай шартноманинг мажбурий нотариал тасдиқланишига риоя этмаслиги учун ҳам маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Фуқаролар томонидан турар жойларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида вақтинча бўш турган жой сифатида ҳисобга қўйиш тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи 160<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилди. Бундай ҳуқуқбузарлик содир этилиши энг кам иш ҳақининг бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг 2-қисмида эгасиз турар жойларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва давлат мулкига ўтказиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Кодекс 223-моддасининг иккинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганда кейин бир йил давомида тақрор содир этилган тақдирда маъмурий жазо чорасини белгилловчи норма билан тўлдирилди.

Шунингдек, кодекс фуқароларнинг йўқолганлиги тўғрисида ўзлари ариза берган ўз паспортларидан, шунингдек бошқа фуқароларга тегишли бўлган паспортлардан фарзали мақсадларда фойдаланганлиги учун маъмурий жазо чорасини назарда тутувчи 223<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилди.

Паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан фу-

Баҳриддин АХМЕДОВ,  
Навоий вилоят прокурорининг  
катта ёрдамчиси

қароларни, худди шунингдек вақтинча ёки доимий пропис- касиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмасдан яшаб турган фуқароларни ишга қабул қилишга йўл қўйилган тақдирда айбдорлар эндиликда кодексга қўшимча киритилган 223<sup>1</sup>-модда билан маъмурий жавобгарликка тортилади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганда кейин бир йил давомида тақрор содир этилганда эса ҳуқуқбузарлар шу модданинг 2-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

Қонунчиликдаги ушбу қўшимча ва ўзгаришлар энг аввало, шахсларнинг паспорт тизими, Ўзбекистон Республикасида бўлиш, бино, иншоот, турар жойлардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини тартибга солиш, соҳада қонун устуворлигини, ижтимоий адолат ва қонунийлигини таъминлашга қаратилгандир.

Зеро, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари инсон ва жамиyat фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўйган.

## Террорчиликка қарши операцияда жабрланувчиларнинг ижтимоий ҳимояси

Маълумки, XX асрнинг глобал муаммосига айланган халқаро терроризмга қарши кураш XXI асрда ҳам долзарбликка эга бўлади. Террорчиликка ихти- сосласанг трансмилий уюшган жиноий гуруҳлар фаолият қўлини кенгайтириб, ушбу гуруҳлар томонидан амалга оширилаётган қўпуровчилик ҳаракатлари тобора кескин тус олмақда. Афсуски, халқаро террорчилик хавфини ўсиши беғуноҳ инсонлар кўраётган жисмоний ва маънавий зарарнинг ортиб бораётганлигида номаён бўлмоқда.

Мамлакатимизда терроризмга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган турли чора-тадбирларни амалга ошириш билан бир қаторда, қўпуровчилик натижасида жабрланганларнинг ижтимоий муҳофазасига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 майдаги "Террорчиликка қарши операция ўтказиш натижасида шахсга ёхуд жисмоний ёки юридик шахсларнинг мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мазкур Низомда террорчиликка қарши операция ўтказиш натижасида шахсга ёхуд жисмоний ёки юридик шахсларнинг мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш тартиби белгиллаб берилган. Низомнинг амал қилиши терроризмга қарши курашда қатнашаётган шахсларга етказилган зарарни қоплашга тартиб этилмаслиги, террорчиликка қарши операцияни ўтказишда қатнашаётган шахсга мулкий зарар терроризмга қарши операцияни ўтқа-

зиш ҳудудидан мол-мулк эгаси сифатида етказилган ҳоллар, шунингдек мол-мулк эгаларининг мол-мулки мазкур хавф бўйича сугурта қилинган ҳолатлар бундан мустасно эканлиги белгиланган.

Шунингдек, мол-мулк эгаларига етказилган мулкий зарар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетни, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг заҳира жамғармалари маблағлари ҳамда қонунчиликда таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобига қоплашни кўрсатиб ўтилган.

Низомга мувофиқ, террорчиликка қарши операция ўтказиш натижасида бутунлай йўқ қилинганлиги сабабли тиклашнинг имкони йўқ бўлган мол-мулкнинг бозор қиймати ҳамда террорчиликка қарши операция ўтказиш натижасида мол-мулкка етказилган зарарлар қоплашни лозим.

Шу билан бирга, террорчиликка қарши операция ўтказиш натижасида шахснинг соғлиғига зарар етказилган тақдирда, у бепул зарур тиббий ёрдам билан таъминланиши, фуқаро халок бўлган тақдирда, қонунчиликка мувофиқ, унинг оила аъзоларига пенсия ёки

боқувчисини йўқотганлик нафақаси тайинланиши кўрсатилган.

Маънавий зарарни қоплаш масалалари эмас, суд тартибида ҳал қилиниши белгиланган.

Низомда таъқидланишича, террорчиликка қарши операция тугагандан сўнг уч иш куни мобайнида ҳудудда террорчиликка қарши операция ўтказилган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят ёки Тошкент шаҳри ҳокими, яъни ваколатли органлар томонидан террорчиликка қарши операцияни ўтказиш натижасида мол-мулкка етказилган мулкий зарарни қоплаш учун мол-мулк эгаларининг мурожаатларини кўриб чиқиш комиссияси ташкил этилади.

Етказилган зарарни тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона ўрганиш мақсадида Комиссия таркибига тергов ва молия органларининг, Давлат рақобат қўмитаси, "Давархитектқурилиш" қўмитаси, "Ергеоздекадастр" давлат қўмитаси ва бошқа манфаатдор органлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари киритилади. Мол-мулк эгаларини комиссия ўзи ишини бошлаганидан хабардор қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан оммавий ахборот воситаларида маълумотни жойлаштириш, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёрдамида комиссия ташкил қилинган кундан эътиборан икки иш куни мобайнида амалга оширилади.

Низомда шунингдек, йўқ қилинган ёки шикастланган мол-мулкни қоплаш

Ойбек СУЛТОНОВ,

Урганч шаҳар прокуратураси катта терговчиси

учун мол-мулк эгаси ёки унинг вакили комиссияга ёзма равишда мурожаат қилишда қуйидаги ҳужжатлар: террорчиликка қарши операция ўтказиш натижасида етказилган мулкий зарарни қоплаш тўғрисидаги ариза, шу каби, юридик шахслар учун, унинг давлат рўйхатида ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси ҳамда жисмоний шахслар учун уларнинг паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг нусхаси, мол-мулкка эгаллик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси ва бошқа ҳужжатлар тақдим қилиниши лозим.

Ўз навбатида, Комиссия ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар келиб тушган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида баҳоловчи ташкилотни жалб этган ҳолда, мол-мулк эгасига етказилган мулкий зарарнинг миқдорини баҳолашни ташкиллаштиради.

Низомнинг ўзига ҳокимиятларидан бири шуки, зарурат бўлган ҳолларда, мол-мулк эгаси ёки унинг вакили билан келишилган ҳолда, мулкий зарар мол-мулк эгасига ёки унинг вакилига тенг қийматдаги мол-мулкни бериш йўли билан натура тарзида қоплаши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, терроризм содир қилиниши натижасида зарар кўрганларнинг ижтимоий муҳофазаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланиб, давлатимиз эътиборида эканлигини алоҳида таъқидлаш зарур.

# Унутилган виждон

Мамлакатимизда инсоннинг фаровон, бахтли турмуш кечириши учун зарур бўлган барча эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Сўнгги 20 йил мобайнида Ўзбекистонда оналар ва болалар ўлими уч баравар камайган бўлиб, одамларнинг ўртача умр кўриш кўрсаткичи сезиларли даражада узайди. Бу натижаларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ.

**Рустам ИБРАГИМОВ,**  
Бosh прокуратура хузуридаги  
СВОЖЖДЛКК департаменти бўлими  
бошлиғи ўринбосари

жонни 18 млн. сўмга сотиш ҳақида келишиб олади. У харидорга фарзандининг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани берган вақтда ушлашиб, мазкур ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилади.

Судда айбланувчи З.Шукурова анча вақтдан буюр уйдан чиқиб кетиб, бошқаларнинг уйида яшаб келганлигини, хонадон эгаларидан бири агар ўғлини берса, уйини унга топширишини айтганини учун бу ишга қўл урганини билдирган.

Агар қалби кўр онанинг қилмиши ўз вақтда фоз этилмасдан қолганда 3 ёшли Мансуржон кимларнинг қўлида қолиши мумкин эди? Шукрки, юртимизда чақалоқнинг дунё юзини кўргандан улгайгунча қадар бўлган вақтдаги саломатлиги, баркамол инсон бўлиб воғая этиши учун унинг ота-онаси билан бирга, давлат ҳам қайгуради.

Суд томонидан бераҳм онага нисбатан тегишли жазо тайинланди. Шунингдек, судланувчи З.Шукуровани оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласи бўйича фуқаролик судига мурожаат этиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

ниши билан тиббиёт йўналишидаги давлат дастурларида энг муҳим вазифа сифатидаги асосий эътибор аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, оналар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий маданият даражасини, уларнинг соғлигини мустаҳкамлашга қаратилди.

Албатта, фарзанднинг бебаҳо эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Лекин куч-гайрати, соғлиги бўлатуриб, аллақандай турмуш ташвишларидан безган оналарнинг арзиман пулга ўз норасидасини сотганини эшитиб қолсак, наҳот аёл шундай ишга қўлга уради, дея ўз-ўзимизга ҳақли савол берамиз.

Афсуски, орамизда шундай кимсалар ҳам учраб турибди. СВОЖЖДЛКК департаментининг Марғилон шаҳар бўлими ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирларнинг бирида шу турдаги жиноят фош этилди.

Маълум бўлишича, фуқаро З.Шукурова (исм-фамилиялар ўзгартirilган) фуқаро К.Сохибовага фарзанди Мансур-

А йни пайтда репродуктив саломатликни таъминлаш бўйича «Ўзбек модели» БМТ томонидан Шарқий Европа, Болтиқ-бўйи ва МДХ мамлакатлари учун энг яхши минтақавий дастур сифатида тавсия этилди. «Болаларни асрайлик» халқаро ташкилати томонидан эълон қилинган ёш авлод саломатлиги бўйича жаҳон рейтингда эса мамлакатимиз 161 мамлакат ичида 9-ўринга чиқди.

Буларнинг барчаси, албатта, давлатимиз томонидан оналар ва болаларнинг саломатлиги, тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг натижасидир.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, республикамиз аҳолисининг 12 млн.дан зиёдини ёшлар ташкил қилар экан. Шунинг эътиб ёш авлод саломатлигига эътибор бериш қанчалар муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Юртбошимиз томонидан 2016 йилнинг «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қили-

## Қўлболаси йўқ қилинди

Шухратжоннинг танишларидан бири қўлбола арзон ароқ борлигини айтиб қолди. У сўраб-суриштириб, Оқтовуқ қишлоғидаги хонадонини топиб боради. 100 тага ароқ тайёрлаб беришни сўради.

— Шишада эмас, баклашқада бўлаверадими? — Бўлаверди.

Нархини тўрт минг сўмданга келишиб олишди. У олдиндан 300 минг сўм бериб қўйди. Беш-олти кун ўтгач, қолган 100 минг сўмини ҳам бериб, 33 та бир ярим литрли полиэтилен идишдаги ароқни олиб кетди. Яна 150 та тайёрлаб беришни сўради. Аввалдан 600 минг сўм берди. Уйига элтиб қўйган баклашқалардан биридаги ароқдан топиб кўрган эди, қорни бураб оғриб қолди. Ақл-хушини йиғиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилди.

**Аббосхон НАСРИДДИНОВ,**  
СВОЖЖДЛКК департаментининг  
Бешиқ туман бўлими бошлиғи

Унинг аризасига биноан ўтказилган тезкор тадбирда Зокир Миртожиев ва Гулчехра Миртожиева қўлбола усулда тайёрланган 110 донна бир ярим ва бир литрли полиэтилен идишлардаги ароқни харидорга 1 млн. 172 минг сўмга сотаётган вақтда ашёвий далиллар билан ушланди.

Экспертиза хулосасига кўра, улар тайёрлаган спиртли ичимлик истеъмол учун яроқсиз бўлиб, инсон соғлиғига жиддий зиён етказиши маълум бўлди. З.Миртожиев ва Г.Миртожиева судда айбларига тўлиқ иқдор бўлишди. Судланувчилар қилмишларига мувофиқ жазоланишди. Қўлбола спиртли ичимликлар йўқ қилинди.

## Ҳисобчининг найранги

Вобкент туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимида катта ҳисобчи бўлиб ишлаган Ҳоси Шомуродов (исм-фамилиялар ўзгартirilган)нинг зиммасига юксак масъулият юкланган эди. У бу вазифани дастлаб самқидилдан бажарганига шубҳа йўқ. Бойси, муассасаларга ҳисоб-китоб ишлари жойида эди. Аммо кейинчалик нотўғри ташлаган қадами унинг жамоа орасидаги обрў ва ҳурматини чиппақка чиқарди.

Ҳ.Шомуродов айримлар сингари нафсининг жиловини бўш қўйиб юбориши оқибатида давлат маблағларини ўз манфаати йўлида талон-торож қилди. Мансаб ваколатидан фарғзўйлик билан фойдалани-

ниб, расмий ҳужжатларни сохталаштирди. Дастлаб, муассаса раҳбарининг имзосини сохталаштириб, унинг номига пластик карточка очди ва унга ҳар ойда пул тушириб, ўзи сарфлаб юраверди. Ҳ.Шому-

**Нодир ПЎЛАТОВ,**  
СВОЖЖДЛКК департаментининг  
Вобкент туман бўлими инспектори

родов шу йўл билан 2013-2014 йилларда 9 млн. 200 минг сўм миқдордаги бюджет маблағини талон-торож қилди. Унинг қилмиши шулардангина иборат эмас. 25-мактабга таълим муассасасининг мудираси Мунира Кулмонованинг номига худди шу усул билан пластик карточка очган бош ҳисобчи унга ҳам сохта ҳужжатлар орқали 3 млн. 587 минг сўм пул тушириб, ишлатиб юборди.

Қинғир ишнинг қийғи албатта чиқиши муқаррар. Ҳ.Шомуродов ҳам бу ҳақиқатни яхши биларди. Аммо у нимагадир қонуннинг кўзи ўтқирлигини, вақти келиб ўз қилмишларига яраша жавоб бериши муқаррарлигини эсдан чиқарди.

Суд Ҳ.Шомуродовнинг қилмишига яраша жазо тайинлаб, ҳукм чиқарди.

Шокиржон Холбожонов тан жароҳати олган ҳолда туман марказий шифохонасига келтирилди. Ўша пайтда шифохонанинг шошилинч тиббий ёрдам бўлимида жароҳ Ҳусан Мирҳамидов (исм-фамилиялар ўзгартirilган) тунги навбатчилик қилаётгани. Рентген кўригидан кейин у Ш.Холбожоновни операция столига ётқизди.

## Оқ либосдаги

### ДОҒ

О перация тунги соат 02:30ларда якунланди. Бироз нафасини ростлаган Ҳ.Мирҳамидов беморнинг укаси Шухратжонни хонасига чақирди.

— Мен акангни оёққа тургазиб бераман, кўрмагандек бўлиб кетади. Аммо эвазига мени рози қиласан, — у жилмайганча Шухратжонни елкасига уриб қўйди.

— Раҳмат ака, яхшилигингизни ерда қолдирмайман. Хизмат ҳақингизни айтиверинг, — дея минг бир хижолат билан Шухратжон унга юзланди.

— Ҳиммат қилиб, шаронингга қараб бераверасан. Шухратжон уйига бориб, эрталаб қайтиб келди. Навбатчиликни топшираётган Ҳусан Мирҳамидовга учраб, унинг чўнтагига 50 минг сўм солиб қўйди. Шифокор пулни санаб ҳам ўтирмади. У туман деҳқон бозоридан рўзғорига ул-бул харид қилгандагина ўша пулни миқдорини билди.

Орадан 3 кун ўтгач, Ҳ.Мирҳамидов Шокиржон ётган хонага кирди.

— Шухратжон келмадимми? — деб бемордан сўради.

— Йўқ. Тинчликми, дўхтир, нима гап? Бирор гап бўлса, менга айтиверинг, — деди Шокиржон ҳали аримаган оғриққа базўр чидаб.

— Укангиз операция учун бор-йўғи эллик минг сўм бериб кетибди. Мен оддий кўричакни ҳам юз эллик минг сўмга операция қиламан. Сизники

**Шарифжон АБДУРАҲМОНОВ,**  
СВОЖЖДЛКК департаментининг  
Косонсой туман бўлими катта  
инспектори

эса кўричакдан оғирроқ эди. — Майли, яна қанча беришимиз керак? — сўради бемор.

— Ҳеч бўлмаса, юз минг сўм — кўричак операциясининг ҳақини беришлар, — шифокор дангалига қўйди.

— Ҳўп. Аммо ҳозир ёнимда пулим йўқ эди. Укамга айтман, олиб келади.

Лекин Ҳ.Мирҳамидов беморга ишонмади ва унинг хотини Дилоромхонга буюрди.

— Ҳўжайинингизга ҳамширалар қараб туради. Сиз ўйингизга бориб, пулни олиб келинг.

Шифокорнинг бу гапи аёлни эсанкиратиб қўйди. Негаки бу дард устига чипқондан ўзга нарса эмас эди-да! Шу боис Дилоромхон уйига эмас, СВОЖЖДЛКК департаментининг туман бўлимига йўл олди. Шифокор Ҳ.Мирҳамидовга нисбатан қонунни чора кўришларини сўраб, ариза берди. Тамагир шифокор 100 минг сўм пулни олган вақтда ушланди.

Тергов жараёнида у айбига тўлиқ иқдор бўлди. Суд Ҳ.Мирҳамидовга қилмишига яраша жазо тайинлади.



## «Омадли» одимлар

**Мутал ТЎРАЕВ,**  
СВОЖЖДЛКК департаментининг Пахтачи туман бўлими бошлиғи

Ф еруз Хайдаров "JV MAN AUTO UZBEKISTAN" қўшма корхонасининг кўриқлаш тизимида ишларди. Бир куни унинг ёнига синфдошлари Жасур ва Алишер келиб, улар ҳам автокорхонага ишга кирмоқчи эканликларини билдиришди.

— Ҳужжат тайёрлаб топширганларинг билан фойдаси йўқ. — ўзини билагон қилиб кўрсатди Фезуз. — Барибир ўтолмай-сизлар. Ундан кўра кадрлар бўлими билан ўзим гаплашаман.

— Яхши бўларди, — дейишди йигитлар. — Майли, 600 доллардан берсанглар, ишга киришаман, — яна оғиз кўпиртирди Фезуз.

Кўп ўтмай Алишер 600, Жасур эса 400 АҚШ доллари келтириб берди. Бироқ, Ф.Хайдаров ваъдаларини "унутди".

Кейинги сафар унинг тўрига Нурбек Шодмонов илдини. У ҳам ишга кириш истагини айтиб, 800 АҚШ долларини фирибгарнинг қўлига тўқзабди юборди.

Фезуз шу тариха бир неча нафар фуқародан "ишга киритаман" дея пул олаверди. Масалан, Зиёдулла Қувватовдан 250, Фахриддин Умаровдан 400, Жасур Аллаёровдан 1000 АҚШ доллари олиб, бу пуллари ўз эҳтиёжи йўлида сарфлаб юборарди.

Орадан анча вақт ўтди. Алданганлар пулни қайтаришни талаб қила бошлашди. Фезуз эса ўзини айбисиз кўрсатмоқчи бўлди. Кадрлар бўлими бошлиғининг олдига кириб, "Мендан пора олгансан", деб тухмат қилди. Ҳатто сохта ариза ҳам тайёрлади.

Тергов жараёнида аниқланишича, бу кимса "Фарзандларингизни олийгоҳга киритиб қўяман", деб фуқаролар Омонкул Маҳмадиевнинг 2000, Мадина Жўрақуловнинг 5000 АҚШ долларини миқдордаги пуллари ҳам фирибгарлик йўли билан қўлга киритган экан.

Суд Фезуз Хайдаровни 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этди.





# Аёл шаънига иснод

Бир йигит қўшни қишлоқлик қизни севиб қолибди. Қиз ҳам унга кўнгли қўйиб, аҳду паймон қилшибди. Аммо тақдир уларни бирлаштирамабди. Қиз ота-онасининг ризоси билан бошқа йигитга турмушга чиқибди. Айриликка чайай олмаган йигит савдогарлар карвонига қўшилиб, ўзга юртларга бosh олаиб кетибди.

Орадан йиллар ўтибди. Йигит бой-бадавлат савдогар сифатида қишлоққа қайтибди. Бу вақтда қишлоқда касаллик тарқалиб, халқ муҳтожликка маҳкум бўлган экан. Бу ҳолни кўриб, йигитнинг кўнгли эзилди. Утган-қайтгандан бир пайтлар жону жаҳони билан севган қизнинг аҳволини суриштири бошлади. Унинг эри касаллик туфайли оламдан ўтганлигини, ўзи эса икки боласи билан муҳтожликда кун кечираётганлигини эшитиб, аввалги севгилисига оғир аҳволда қолганидан изтироб чекибди. Лекин кўп ўтмай кўнглида шайтоний ҳис уйғонибди. Қизнинг "васлига етиш" ораюнда унга ўзи ҳақида хабар етказибди.

Бир кун йигит кутганидек севгилисига эшик қочиб кириб келибди. Муҳтожлик ҳукмини кўрсатган бўлса-да, аммо унинг ҳусни жамоли ҳали ҳам ақлини олғудек экан. Йигитнинг нияти бузилибди. Уни илфот билан уйига тақлиф этибди. Қиз эса эгнидаги жулдур кийимлардан ий-

маниб, кўзини ердан узмасдан, минг истихоло билан ундан озгина егулик сўрабди. Йигит айна мавриди келганлигини пайкаб, мулойимлик билан ниятини ошқор қилибди.

— Егулик бераман, аммо бугун меннинг ёнимда қолсан.

Қиз кескин ортига бурилиб, уйни тарк этибди. Йигит "Барибир яна қайтиб келасан-ку", дегандек истеҳзоли жилмайиб қўйибди. Уч кун ўтгач, қиз яна йигитнинг уйига келибди. Бу сафар остонада турганча, йигитдан болалари уч қундан буён туз тотмаганлигини, ўрталаридаги муҳаббат ҳурмати озгина егулик беришини ўтиниб сўрабди. Йигит бу сафар ҳам у билан бирга бўлсагина, айтганини қилишини билдирибди. Қиз йигитнинг кўзига тикилибди-ю, индамай ортига қайтибди.

Йигит қизни яна уч кун куттибди. Аммо қиз бошқа қайтиб келмабди. Бундан хавотирга тушган йигит қизни ахтариб, уйига борибди. Ховлида — болалари кучоғида жилмайганича жон таслим қилган севгилисини кўрибди. Озиб, эти устихонига ёпишган гўдаклар эса онасини ўрнида кўзгатишга уриниб, тенаида чинқириб йиғлашар экан. Йигит севгилисининг бошига келиб, унинг жонсиз танасини қўлига олибди. Шу пайт қизнинг қўлидаги ғижилманган қозоқ бўлаги ерга тушганини пайқабди. Қозонни очиб ўқигач, бошини чангаллаганча чўккалаб қолибди. Чунки қиз йигитга қолдирган хатидега номуслиқдан қучли

эканлигини, ҳаром йўл билан топган лўқмани болаларига едиришнинг гуноҳлигини, зинкорликнинг жавобини беришга қучи етмаслигини айтиб, ундан уэр сўраган экан.

Балки бу бир ривоятдир. Аммо ҳақиқат шунки, номуслиқ уят, зинодон ҳазар қилиш ҳамма замонда ҳам халқимиз эъозлаб келган фазилатлардан саналади. Не-не кунлардан кўрмади бу юрт. Не-не очарчилик, йўқчилик кунларни бошидан кечирмади бу халқ. Аммо номуслиқ сотмади. Уятсиз ишларга қўл урмади. Қўшмачилик, фоҳишаликни иснод деб билди. Уғилқизини бу исноддан муҳофаза қилди. Шу сабабли момоларимизнинг юзларида нур балқийди. Шу сабабли аёлларимиз ардоқлаб келинади.

Линсон табиатан хунук бўлса, бунинг айби йўқ. Аммо қилиғи, ҳаёси хунук бўлса, ундан қўни-қўшни, маҳалла-қўй, жамият юз ўғирлари, Ачинарлиси, ҳаёсизнинг ўзигина қораланмайди, болаларига ҳам маломат тошлари ёғилади.

Шу ўринда қўшмачиликни ҳам ҳаёсизликнинг бир кўриниши дейиш мумкин. Ифғатсиз одамгина бу каби жижкан ишга қўл уради.

Холида (исм-фамилиялар ўзгартирилган) турмуш ўртоғини даволатиш учун ҳовлисини сотди. Буни эшитганлар унинг аёллик садоқатига қўйил қилишди. У уйнинг ярим пулини савдога тикди. Қарши шаҳрига келиб, ижарада яшаш учун уй топди ва бозордан жой олиб, савдо билан шуғуллана бошлади. Аксига савдоси орқага кетди.

Рихсия Холидага узоқроқ қариндош эди. У ота-онаси билан келиша олмай, Қарши шаҳрига — Холиданкига келиб яшай бошлади. Онда-сонда Холидага бозор ишларида ёрдамлашиб турди.

Аёл қариндошининг бироз енгилтабиатлироқ эканлигини сезиб юрарди. Шу сабабли кўнглида ундан

Аббор ГАНИЕВ,  
Қарши шаҳар прокуратураси  
катта терговчиси

фойдаланиб, бироз пул ишлаш фикри туғилди. Икки қариндош жижкан режа тузишди. Бу ҳаракатлари нафақат аёллик шаъни, балки жамият учун ҳам иснод эканлигини ақли ноқислар ҳис этишмади.

Холида таниши Зиёдулланинг кўнгиригидан қутилмаган ҳолга тушди. Зиёдулла унга агар бирор қиз ва жой топиб берса, қуруқ қўймаглигини айтди. Холида ўйлаб ўтирмай бажонидил ёрдам беришини билдирди. Чунки бу вақтда турмуш ўртоғи даволаниш мақсадда пойтахтга кетган, боз устига Рихсия ҳам пули йўқлигидан нолиб юрганди. Шу сабабли Зиёдуллага уйига келаверишини айтиб, манзилини маълум қилди. Кейин бозорда савдо қилиб турган Рихсияга уйга эртароқ қайтишни тайинлади.

Зиёдулла аёлларнинг ҳар бири билан алоҳида савдолашди. Рихсия "хизмати" эвазига 100 минг, Холида уйдан жой бериши эвазига 40 минг сўм сўради. Йигит ҳотамтойлик билан улар сўраган пулни узатди. Холида Рихсия билан Зиёдуллани безовта қилмаслик учун ўзи бошқа хонага кириб кетди.

Эшик кўнгириги чалинганда, Холиданинг юрагини безовталик қамради. Эшик ортида ИИБ ходимларини кўриб, талмовсираб қолди. Қанчалик уринмасин, танасидаги титроқчи боса олмади. ИИБ ходимлари ичкаридаги "ҳолат"дан хабар топишгач, барчасини тан олишига тўғри келди.

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди Холида Маликовага қўшмачилик жинояти учун иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 йил муддатга ахлоқ тузатиши иши жазосини тайинлади.

Спиртли ичимлик ҳеч қачон инсонга рўшнолик келтирмаган. У соғлиққа жиддий путур етказишдан ташқари, охир-оқибат одамни тубсиз жарга қулатади. 1955 йилда Қозғистон Республикасида туғилган Анатолий Иваненко муқаддам 6 марта судланган. Навоий шаҳридаги Ибн Сино кўчасидаги уйлардан бирида истиқомат қилади.

## Сўнги манзил

Фахриддин НОРОВ,  
Навоий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

У ҳам бир неча йиллардан буён спиртли ичимлик истемвол қилавериб пиёнистага айланди. 2015 йил 3 ноябрь кун эрталаб дорихонадан сотиб олган тиббиёт спиртининг жигдиллиги уради. Қайфи ошгач, таниши Лариса Дашевскаядан олган 17 минг сўм қарзи эсига тушиб, унинг уйига йўл олади.

Меҳмондорчилик бошланмасдан туриб, ошхонага кириб ва ёғоч дастали пичоқни олиб, "тектириб" кўради. Утмаслигига ишонч ҳосил қилгач, ўзини худди уй-рўзгор ишларида ёрдамлашаётгандек қичиб кўрсатиб, балконга қақди ва пичоқни чарқлай бошлади. Орада Л.Дашевская ундан қарзини қайтаришни сўради. Бу талаб эса уларнинг ўртасида келишимовчилик келтириб чиқаради. Оқибатда А.Иваненко Л.Дашевскаянинг қорнига пичоқ санчади. Сўнгра бунга ҳам қоникмай, бир қўли билан аёлни деворга тираб, яна пичоқни ишга солади. Аёл йиқилиб, етказилган оғир тан жароҳатларидан воқеа жойида вафот этади.

А.Иваненко бўлса 63 минг сўм нақд пул, ҳисобда 93 минг 746 сўм бўлган банк пластик карточкаси, "Артел" русумли уяли телефон аппарати ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини олиб, жуфтасини ростлайди.

Орадан икки кун ўтиб, у яна Л.Дашевскаянинг уйига келиб, ўзида бўлган қалиб билан эшикни очади ва ичкарига кирибди. Қотил бу сафар жами 93 минг сўмлик уй-рўзгор буюмларини ўғирлаб кетди.

Олиб борилган тезкор ҳаракатлар натижасида А.Иваненко қўлга олинди. У суд ҳукми билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

## Суд ҳукмининг ҳуқуқий табиати

Талқин

Давоми.  
Бошланиши 6-бетда/

Жиноят ишларини апелляция тартибидеда қўриб чиқишнинг ҳорижий тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, масалан, Англияда апелляция тартибидеда жиноят ишларини қўриш асослари икки тоифага, яъни фактик ва ҳуқуқий асосларга ажратилганлигини кўриш мумкин. Фактик асосларга кўра, ҳукмни қайта қўриш учун ҳукм чиқарган судьянинг ёки апелляция инстанцияси судининг ишни қайта қўриш учун рухсати талаб этилади. Ҳуқуқий асосларга кўра эса, ишни қайта қўриш учун ҳеч қандай рухсат талаб этилмайди. Апелляция судларининг ваколатлари жуда кенг бўлиб, Англиянинг амалдаги қонунларига кўра, апелляция инстанцияси ҳукмни ўзгартириш қолдириши, уни қўйи судга қайта муҳокама қилишга юбориши, ҳукмни ўзгартириши ва ниҳоят янги ҳукм чиқариши мумкин. Агар, апелляция ҳуқуқий асослар билан берилган бўлса, жазо чораси қўйирилиши ҳам мумкин.

АҚШ жиноят-процессуал қонунчилигида эса, апелляция тартибидеда иш юриштиш учун қатор чеклашлар назарда тутилган бўлиб, апелляция шикоятчи беришга фақат биринчи инстан-

ция судида айбини бўйинга олмаган судланувчи ҳақлидир ва фақатгина "жиддий хато" айблов ҳукмини бекор қилишга асос бўлиши кўрсатилган.

Францияда апелляция ҳукмлар устидан шикоят қилишнинг оддий усули ҳисобланади ва бу усул процесснинг барча иштирокчилари томонидан қўлланилиб, жуда кенг доирадаги масалаларни ўз ичига олиши мумкин. Жумладан, Франция жиноят процессида апелляция биринчи инстанция суди томонидан чиқарилган ҳукмни ўзгартириш ёки бекор қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Апелляция шикоятлари ҳукм чиқарилган қундан бошлаб ўн кун муддат ичида берилиши лозим. Ишни судланувчи учун ёмон томонга ўзгартиришга фақатгина прокурорнинг апелляциясида бўлиши мумкин. Прокурорнинг апелляцияси судланувчининг шикоятига қўшиб берилади ва бу билан апелляция судига танлаш эркинлиги берилади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги апелляция тартибидеда иш юри-

тишининг энг илғор томонларини ўзида муҳассамлаштирган бўлиб, суд ҳукмида ҳуқуқнинг қуйидаги тарбиявий жиҳатларига алоҳида ўрин берилади:

— ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш тўғрисидаги мақсадларни ҳаётга татбиқ этиш;

— жиноят ҳуқуқи вазибалари юзасидан қишларнинг ижтимоий онгини ошириш;

— жамият барча аъзоларининг ахлоқ-одоб нормаларига амал қилишнинг сифатини яхшилаш;

— жамиятда жамоат тартибини сақлашни мустаҳкамлаш каби-лар.

Шундай экан, одил судлов акти бўлган ҳукмга қўйилган талаб, уни текшириш инсон, жамият ва давлат манфаатларига тўла мос келади. Зеро, жиноят ишлари бўйича судлар фаолиятининг самарадорлиги ҳам улар чиқарган ҳукмларнинг одиллиги ва қонунийлиги билан белгиланади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигининг мақсади иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш, жиноят содир этган



Қонунларимизда миллати, этниқолидан қатъи назар, барча фуқаролар тенг ҳуқуқли, бирон-бир динга эътиқод қилиш ёки этниқоқ қилмаслик ҳар қимнинг ўз ихтиёрида эканлиги бағиланган.

## Калтабинлик

Нурмуҳаммад СУЛАЙМОНОВ,  
Риштон туман прокуратураси терговчиси

Бугун давлатимиз томонидан қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли фуқароларимиз муборак ҳаж ва умра сафарларига эмин-эркин бориб келишмоқда. Рамазон, Қурбон ҳайитлари умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда. Сир эмаски, тинч-тотув ҳаётимизга раҳна солиш, турли динларга эътиқод қилувчилар ўртасида низо келтириб чиқариш, фуқароларнинг онгу шуурини диний экстремистик давъатга ғоялар билан заҳарлашга уринган кимсалар интернет, уяли алоқа каби замонавий ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда фуқароларни турли диний экстремистик оқимлар сафига тортишга уринишмоқда.

Олтириқлик 27 ёшга кирган Қурбонали Исроилловни (исм-фамилиялар ўзгартirilган) қариндоши Даврон Россия Федерациясига ишга таклиф қилади. Мазкур таклифга кўра, Қурбонали билан риштонлик Жамшид ва Тоҳир ҳам Краснодар шаҳрига боришади. Қ.Исроиллов уч ой ишлагач, акаси Маъмурнинг ёнига, Санкт-Петербург шаҳрига бориб, қурилиш фирмасига ишга жойлашади. Турли вилоятлардан ҳамда Тожикистон Республикасидан борган 14 нафар қурувчи билан умумий ётоқхонада туради. Қ.Исроилловнинг хонадошлари Абдусамс, Нозим, Аҳрорлар таъсирида динга қизиқиши ортиб боради. Абдусамс интернетга уялиб, ноқонуний фаолият юритаётган студиялар томонидан тасвирга олинган экстремистик руҳдаги видеоларни кўриб бериб, давлат сиёсатини қоралаб, гўё мусулмонларга тазийқ ўтказилаётгани, диний эркинлик йўқлиги каби сафсаталарни тўқийди. Суннатга амал қилиб, соқол қўйиб юриш кераклигини уқтиради. Қ.Исроиллов унга таклид қилиб соқол қўйиб, мутаассибларнинг таъсир доирасига ташди.

2014 йил июнь ойида Қ.Исроиллов Россияда ишлаш мuddати тугаб, уйига қайтади ва сентябрь ойида акаси Маъмурнинг таклифи билан Сургут шаҳрига жўнайдди. У ердан қурилиш фирмасига ишга жойлашиб, уч хонали квартирада Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистондан борган қурувчилар билан туради. Санкт-Петербургда танишган Аҳрор ҳам уларга келиб қўшилади. У ишдан бўш пайтларида қўл телефонида интернет тармоғидаги сайтлар орқали террористик ташкилотларнинг урушлари тасвирланган видеороликларни кўрсатиб, Қурбоналига жангари "жиҳодчи"ларга бориб қўшилиш зарурлигини уқтиради. Шу мавзудаги турли маърузалардан мисоллар келтириб, шеригининг онгини заҳарлайди. Қ.Исроиллов шу тариқа диний экстремистик гуруҳнинг фаол аъзосига айланади ва Сургут шаҳрига ишлагани борган республикамиз фуқароларига экстремистик ғояларни сингдириб, юртимизда кўпуровчилик ҳаракатларини амалга оширишга давъат қилади. Юртимдан ташқарига чиқиб, хоҳлаган ишимни қилараман, деган Қурбонали қаттиқ янглишиди.

Суд мажлисида Қ.Исроилловнинг конституциявий тузумни ўзгартiriшга давъат эттишдан иборат бузғунчилик фаолияти ўзининг иқроғлигидан ташқари, хорижда у билан бирга ишлаган, бир жойда яшаган гувоҳларнинг кўрсатмалари билан ҳам исботланди. Суд ҳукми билан унга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

# Фирибгарлар ва қаноатсизлар қисмати

Эътибор қилганмисиз, юз берган жиноий ҳодисаларнинг кўп қисми нафс, пул, мол-давлат илинжидаги кишилар томонидан содир этилади. Таниқли адабимиз Абдулла Қаҳҳорнинг бу борада шундай гапи бор: "Пул ўлгурнинг тиши бўлса, ўзини еб қўяр эди. Тиши бўлмагани учун баъзи бировларнинг ақлини ялаб, виждонини сўриб юрди". Илло виждони сўрилган кимсалардан ҳар қандай тубанлик, юзсизлик ва ноинсофликни қуттиш мумкин-ки, уларнинг айрим қилмишидан ҳайратга тушасан. "Шунчаликка бориш ҳам мумкин-ми?!", деган ўйда қоласан.

Келтирмоқчи бўлганимиз — фирибгарликнинг бу тури ҳақида айримлар билишади, айримлар эса...

Ҳеч бир қимсаннинг бундайин сарсонгарчилик, изтиробга рўбарў келишини истамаган ҳолда, фирибгарларга инсоф тилайсиз. Лекин пешона тери билан топганларини нопок йўл билан келадиган "фоиз"ларга қурбон қилиш ҳеч бир ақлга сикмайди ва бу каби кимсаларни беихтиёр қаноатсизликка айблагин келади. Ахир тўғри-да, тасаввур қилинг, кўчадан келган, ўзи танимайдиган ва у ҳақда билмайдиган бир кимса "Пулнигини беринг, сизга бир ҳафтада фоизи биз билан АҚШ доллари қилиб бераман", деса, уингизда турган (минг эмас!) миллионларни олиб чиқиб бераверсангиз! Буни бир қарашда текингина пул топишга қизиқиш, деб баҳоласа ҳам бўлади.

Фирибгар билан теппа-тенг "мижоз"га ҳам айб қўяётганимиз кимларгадир эриш туюлар. Аммо ҳар икки тарафнинг ақли, онги, тафаккури баробар эканлигини инобатга олсак, уларнинг бир хил ўй билан, яъни манфаат, фойда — фойда бўлганда ҳам, осонгина фойда кўриш илинжидаги кишилар эканлигининг гувоҳимиз. Уларнинг ягона фарқи, бири алдаётганлигини билади, иккинчиси эса алданаётганлигини билмайди.

### Ўлжа

Зебо Пўлатова (исм-фамилиялар ўзгартirilган) эндигина 25 баҳорни қаршилаган бўлса-да, пул топишга кўзи пишганлардан. Савдо билан шуғулланган, катта пул ушлаб ўрганган. У ўзини ўтгау чўққа уриб, мўмай даромад топишининг турли йўллари кидира бошлади.

— Турмуш ўртоғим билан ажрашганимдан кейин қийналиб қолдим, —

дейди у ўз кўрсатмасида. — Икки нафар вояга етмаган фарзандларим билан ижарада яшай бошладим...

Хуллас, уни ижарага қўйган Муаззам опанинг синглиси Марғуба Иброҳимова билан Зебонинг дунёқарашини бирдек бўлиб чиқди. Даставвал ўз савдосини юргизиб олиш учун пул сўраган Зебога 200 АҚШ доллари бериб турган Марғуба озгина фурсатда фоизи билан пулини олиб, унга миннатдорчилик билдирар экан, "Шундай қилиб пул топса ҳам бўларкан-да", деди.

— Мени банкда танишларим бор. Сиз мижоз топинг, пулини бир ҳафтада АҚШ доллари қилиб фоизи билан қайтарамиз ва ўртада ўзимиз ҳам фойдаланамиз. Ҳозир шундай қилишяпти, — деди Зебо дугонасига.

— Яхши, мен бирга ишлайдиган ҳамкасбларим билан гаплашаман...

Марғуба шу заҳоти Мафтуна исмли ҳамкасбига кўнғироқ қилди. Уни "пул кўпайтириш"нинг бу йўлига обдон қизиқтирди. "Эртага ишхонада гаплашамиз", Мафтуна шундай деди-ю, икки дугонанинг биринчи ўлжасига айланди. Даставвал минг АҚШ долларини санаб берган Мафтуна пулларининг кўпайишига қизиққандан қизиқиб кетди ва орадан ҳеч қанча ўтмай 2 млн. 600 минг сўм пул ва 500 АҚШ долларини уларнинг қўлига тутқазди.

Халқимизда пул "жигардан яралган", деган латинчама гап юради. Худди шу маънода, ўтаётган мuddатлар Мафтунанинг дилига ғашлик солиб боради. Шу боис, ундан яна 1 млн. 300 минг сўм сўраган "уддабуррон"ларга, "Аввал олдинги берган пулларимни фоизи билан қайтаринглар", деб жавоб қайтарди.

### Паймонаси тўлганлар

Мафтунанинг кейинги пайтда иккиланиши баҳона бўлди ми ёки унинг пуллари адоғига етиб қолганлигини

Жобирхон АЗИМОВ,  
Наманган вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

хис этишганими, "банкчилар" аллақачон янги "мижоз" билан тиллашиб бўлгандилар.

— "Алоқабанк"нинг Наманган шаҳар филиалида ишлайман. Пластик картчакангизда пул бўлса, фоизсиз нақд қилдириб беришим мумкин. Агар нақд пулингиз бўлса, фоизи билан АҚШ долларларида қайтараман...

Назозкат Маҳмудова самимийлик билан гапирётган аёлларга ишонди. Қолаверса, улардан бири яқин таниши, "юз бор, кўз бор, одамгарчилик" дегандай, алдаши мумкин эмас. Бу қатъий фикр уни 400 минг сўм маблағ бўлган пластик картчакангизда ҳамда 24 млн. 940 минг сўм нақд пулларини устомон аёлларга тутқазишга ундади.

Бу каби алдовга рўбарў бўлганлар ойма-ой кўпайиб боради, икки дугона эса қалаётган ишлари, кириб бораётган кўчақарининг охири "вой" эканлигини неғадир хаёлларига келтиришмасди.

Улар шу тарзда Гули Деҳқонванинг 13 млн. 500 минг сўм пулини ҳам алдаб қўлга киритишди. Жами келтирилган моддий зарарлари 40 млн. 280 минг сўмга етганда Зебо ҳамда Марғубанинг фирибгарлик оламидаги "саёхатлари" якунига етди.

### Қилмиш — қидирмиш

Умрни икки эшик орасига ўхшатишади. Ана шу вақтда асрга татиғулик ишларни, бунёдкорлик, боғу роғлар барпо этиш, хушхўлқли фарзандларни тарбиялаб, халқ ва юрт қорига қамарбаста этиш каби кўплаб амалларни муродига етказганлар қанча. Улар бир сўз билан айтганда, мукофотлилар, кўкси балаанд, ўрни боқийлардир. Аксинча, умрни калтабинлик билан, мақсадсиз, ёнқин, юқоридаги каби ғайри мақсадлар йўлида ўтказган кимсалар эса ҳаёт деяр аталмиш неъматнинг ғўзал ва садодатли дамларини бой бериб, увоқлига учрашлари табиий. Яхшилик йўлидагилар мукофот билан, ёмонлик йўлидагилар жазо билан сийланадилар. Худди шу маънода, юқоридаги икки аёл ҳам суд ҳукми билан ўз жазоларини олишди. Бу жазо уларга сабоқ бўлади, деган умиддамиз.

# Бекорчилик ўғирликка етақлади



Шерали ШОДИЕВ,  
Қоракўл туман прокурори

Абдуваликни (исм-фамилиялар ўзгартirilган) Қоракўл тумани Кетмондўғли қишлоғидагилар жуда яхши танишади. Туппа-тузук оманинг фарзанди. У ҳақида тарқалган ёмон хабар гўё барча қишлоқдошлар учун иснод. Бу жойда яшовчи аҳолининг феъл-атвори шундай. "Абдуҳамиднинг ўғли қачон ўғри бўла қолди? Нега бундан қўни-қўшни, маълаҳадагилар бехабар қолишди. Билишганида тарбиялаб олашармики!.." Ҳамманинг озғига тушган 21 ёшли йигитча ўзи билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолди.

2015 йилнинг қиши охирлаб бораётган палла. Узун тунар зерикари. Абдувалик фойдали бирор меҳнат билан шуғулланмагани боис, ҳаёлида енгил-елли пул топиш йўллари режалаштирди. Қўққисдан таниши Дар-

мон Явмутовнинг оғилхонасидаги моллар ҳаёлига келди. "Ярим тунда ҳамма ширин уйқуда бўлади. Тонг отгунча ишни битириб, "ўлжа"ни Қоракўли қишлоғидаги бозорда пуллашга ҳам улгураман". Ўғри йигит айтганидек бўлди. Ваҳм қишлоғида "Фалончининг бир бош қўйини ўғирлаб кетишибди", деган хабар тарқалганда, Абдувалик арзон гаровга сотган қўйнинг гўшти қозонда овқат бўлаётган эди.

Ўғирлик "нон"и тотли келиб, 25 декабрь куни кечқурун бегона эмас, ўзининг қариндоши Гулҳаё Нигматова хонадонига "меҳмон" бўлган Абдувалик учун бозор нархи 450 минг сўмлик қўчқорни еталаб чиқди. Йўл-йўлақай қассоб Умаралига телефон қилди. Арзон мол тушганидан хурсанд қассоб йигит ҳам "узумини еб, боғини суриштириб" ўтирмади.

Абдуваликнинг ўзинча пишиқ тузган "сценарий"лари иш берса-да, яқуний хулосалар яхшиликка олиб келмади. Ўз вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига хабар берган жабрланувчилар кўмағида ўғри йигит қўлга тушди.

Жиноят ишлари бўйича Қоракўл туман суди ҳукмига асосан айбли деб топиغان Абдувалик Аҳадовга 2 йил-6 ой мuddатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.



# Тадбиркорлик ривожини — тараққиёт пойдевори

Мамлакатимизда саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишларига устувор вазифалардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратишмоқда. Чунки ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этмасдан туриб, бозор талабига мос, яъни рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашнинг иложи йўқ. Республикаимизда бундай лойиҳалар тижорат банклари томонидан молиялаштирилаётгани эса муваффақиятлар омили бўлаёпти. Бу жараёнда "Асака" акциядорлик тижорат банкининг Автотранспорт филиали ҳам фаол иштирок этаётир.

Дарҳақиқат, мазкур филиал кредитларининг салмоқли қисмини йирик саноат корхоналари ва кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштиришга йўналтирилмоқда. Натижада янги турдаги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилиб, ички бозор сифатли ва арзон халқ истеъмоли моллари билан тўлдирилмоқда. Жумладан, "Integral Invest" масъулияти чекланган жамиятига айланма маблағларни тўлдириш учун имтиёзли шартларда кредит ажратилгач, бу ерда ўрнатилган замонавий технологик линиялар тўлиқ ишга туширилиб, саноат ишлаб чиқариши учун ўта муҳим ва зарурий бўлган глицерин ва саломас ишлаб чиқарилмоқда. Энг асосийси, 90 нафар ишчи-ҳодимнинг иш билан бандлиги таъминланди.

— "Асака" банкида иш жараёни мижозлар талаби ва эътиёжга мос равишда йўлга қўйилган, — дейди "Integral Invest" масъулияти чекланган жамияти директори Унар Есенбаев. — Бу эса бизга қисқа фурсатда лойиҳамизни амалга оширишга ва бошқа молиявий воситалардан тўлиқ фойдаланишга кенг имконият яратди. Биз "Асака" банки томонидан ишлаб чиқарувчиларни фаол қўллаб-қувватлаётганликлари учун чин дилдан миннатдорчилик билдириб, ўзаро ҳамкорлигимиз келгусида ҳам

давом этишига умид қилиб қоламиз.

Банк филиали томонидан "Ozkitobulgurjisavdo" масъулияти чекланган жамиятига кўрсатилган молиявий кўмак натижасида корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қарийб икки бараварга ортиди.

— Мамлакатимизда хотин-қизларнинг иқтисодидеятимиз муҳим тармоқларидаги иштирокини янада ошириш, уларни оилавий бизнесга жалб этиш ва шу орқали турмуш фаровонлигини юксалтириш юзасидан амалга оширилаётган ишларда "Асака" банк ўз сармоялари билан фаол иштирок этиб келмоқда, — дейди "Ozkitobulgurjisavdo" масъулияти чекланган жамияти директори Раъно Хайтова. — Банк томонидан республикаимизда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича фаол ишлар олиб борилиб, шаҳар ва қишлоқларда хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратилмоқда. Корхонамиз 2005 йилда ташкил этилган бўлиб, ташкил этилган кундан бошлаб "Асака" банки хизматларидан фойдаланиб келади.

Илгари корхонамиз республикаимизда офсет қоғози ва полиграфия маҳсулотларини импорт қилиш бўйича етакчи корхона бўлиб, давлат ва хусусий полиграфия корхоналарининг ушбу маҳсулотларга бўлган талабини қондириб келар эдик. 2010 йилда иш фаолиятимиз

кўламини кенгайтириш, янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш мақсадида замонавий усуналар олдик, ишлаб чиқариш қувватларини мукамал таъмирдан чиқариб, модернизация қилдик. Натижада пахта момиги ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ҳозирги пайтда ишлаб чиқараётган маҳсулотимиз тўлиқ равишда хорижда экспорт қилинмоқда, натижада республикаимизга келаётган валюта тушуми ҳажми кўпаймоқда. Бу ишларни амалга оширишда яқин ҳамкоримиз ва кўмакдошимиз бўлган "Асака" банкнинг хиссаси бекиёсди. "Асака" банк кредитлари фаолиятимизни қайта ташкил этишда муҳим омил бўлди. "Асака" банк жамоасининг молиявий хизматларидан, мижозларга самимий тўхоналиги ва бегараз маслаҳатларидан миннатдоримиз. Келажакда ушбу молия муассасаси билан яқин ҳамкорлик қилиб, янги-янги истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш ниятидамиз.

Банк филиали хизматлар кўламини кенгайтириш, аҳоли ва тадбиркорларга янги хизмат турларини жорий этиш пайтда бўлмоқда. Бундан, айниқса, мижозлар мамнун.

— Бизнинг "Sizga Baraka" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатимиз Тошкент шаҳри Яқкасарой тумани Қўшбеги мавзесидаги саккизта 5 қаватли ва иккита 9 қаватли уй-жойга хизмат кўрсатади, — дейди ширкат ижрочи директори Надежда Азарова. — Биз ўз фаолиятимизни бошлаганимизда уй-жой фонди эски, муаммолар эса беҳисоб эди. Бундан биз ҳам, аҳоли ҳам норози эдик. Бизга барча муаммоларни бир пайтнинг ўзида ва тезкорликда хал этиб бўлмайдигандек кўринар эди. Бунинг учун маблағ зарур эди. Биз узоқ вақт ўйлаб ўтирмадан молиявий кўмак сўраб республикаимиздаги барқарор

ва ишончли банклардан бири бўлган "Асака" банкга мурожаат эдик. Банк мутахассислари бизнинг масалаимизни тезкорлик билан кўриб чиқиб, ўзларининг зарурий маслаҳатларини бердилар ва ижобий қарор қабул қилдилар. Муаммоларимизни хал этишда "Асака" банк яқиндан ёрдам берди. "Асака" банкдан уй-жойларни таъмирлаш ва обodonлаштиришга зарур бўлган қурилиш материаллари олиш учун имтиёзли шартларда кредит олдик. Банк кредити ҳисобига уй-жойларни, электр таъминоти, иссиқ ва совуқ сув таъминоти, иситиш тизимини мукамал таъмирладик, обodonлаштириш ишларини амалга оширдик. Муаммолар тезликда хал бўлганлигидан биз ҳам, аҳоли ҳам хурсанд. Бизга молиявий ёрдам кўрсатганликлари учун "Асака" банк ходимларига ўз миннатдорчилигимизни билдирагимиз ва уларнинг келгусидаги ишларига муваффақиятлар тилаймиз.

Таъкидлаш кераки, жорий йилнинг биринчи ярми мобайнида банк филиали бу борадаги лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратди. Бу кредит сиёсатида ҳам ўз аксини топган. Бундан кўзланган мақсад — мавжуд ресурсларнинг ликвидлигини сақлаш, сармояларни кредитларга йўналтириш орқали юқори даромадлиликни таъминлашдан иборатдир. Шу боис маҳалли хомашё негизда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ҳамда турли материаллар ишлаб чиқаришга мўлжалланган инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда фаоллик кўрсатилмоқда.

Кўрилаётган аниқ мақсадли чора-тадбирлар туфайли банкнинг кредит портфели тобора мустаҳкамланиб бораёпти. Пировардида мулкчиликнинг барча шаклидаги ҳўжалик юритувчи субъектлар, айниқса, оила-

вий бизнес ва кичик тадбиркорлик соҳаси вакиллари, экспортчи корхоналар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётган. 2016 йил 1 июль ҳолатига кўра, банк филиали кредит қўйилмалари ҳажми 139,0 млрд. сўмни ташкил қилди. Эътиборлиси, кредит қўйилмаларининг асосий қисмини узоқ муддатли кредитлар ташкил этади.

Жорий йил биринчи ярми мобайнида банк филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга 73,3 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди ва бунинг натижасида кўплаб янги иш ўринлари яратилди ва ёш йигит-қизлар иш билан таъминланди.

Жорий йилда банк филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 140,0 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилиши режалаштирилган.

Ҳозирги пайтда банк филиали томонидан ресурс базасини янада мустаҳкамлаш, лойиҳалар таҳлили сифатини яхшилаш, янги молиявий хизматларни жорий этиш борасида фаол ишлар олиб боририлмоқда. Шу мақсадда жалб этилаётган кредит линиялари ва банкнинг ўз ресурслари ҳисобидан ажратилаётган кредитлар ҳажмини кўпайтиришга кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, "Асака" банк Автотранспорт филиали мамлакатимиз молия бозорига истиқболли, жадал ривожланаётган, бозор муносабатларига вақтида муносабатланиб келган, мижозларга кўрсатилаётган хизматлар кўламини доимо кенгайтираётган банк сифатида ўз ўринини тобора мустаҳкамлаб, мижозлар ишончини қозониб бораётир. □

Банк Аxbорот хизмати  
Хизматлар лицензияланган

## "FITCH RATINGS"

### ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ АГЕНТЛИГИ



## "МИКРОКРЕДИТБАНК"

### АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ

## ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ КўРСАТКИЧИНИ

### "B"

### "БАРҚАРОР"

## ДЕБ ТАСДИҚЛАДИ.

Бир ой давом этган футбол бўйича Европа чемпионати ҳам ўз нўҳоясига етди. Финалда мезбонлар — Франция терма жамоасига қарши баҳс олиб борган португалияликлар чемпионликни тантанга қилишди.

Криштиану Роналду сардорлигидаги Португалия терма жамоасининг турнир давомидаги иштирокига назар ташлайдиган бўлсак, Фернанду Сантуш шогирдлари мусобақани муваффақиятли бошлаб олишмади. Исландия терма жамоасига қарши кечган илк учрашувда 1:1 ҳисобида дуранг қайд этилди. Гуруҳ аутсайдери сифатида қараётган жамоани енга олишмаганидан сўнг кўпчилик Португалия термасини чемпионлик учун даъвогарлар сафидан чиқариб қўйганди. Бунинг устига Роналду жамоадоллари гуруҳнинг қолган икки ўйинида ҳам рақиблар устидан галаба қозонишни уздай олишмади. Тақдирнинг туҳфасини қарангки, янги форматдаги (авваллари мусобақанинг финал қисмида 16 та терма жамоа иштирок этган бўлса, бу сафар қатнашчилар сони 24 тага етказилган эди — М.Қ.) Европа чемпионати Португалия терма жамоасига гуруҳ баҳсларида уч дуранг билан 3 очко жамғариб ҳам мусобақадаги иштирокини давом эттириш имкониятини тақдим қилди.

Бир амаллаб гуруҳдан чиқиб олган Фернанду Сантуш шогирдлари буёғига ҳам ўз услубларига содиқ қолишди. Ўйни, галаба қозонмай (ўйиннинг асосий қисмида) юришни давом эттиришди. Нимчорак финалда Хорватия термасини ўйиннинг 117-да-



## Евро-2016: Португалия чемпион

қиқасида Куарежма томонидан киритилган ягона гол эвазига мағлубиятга учратган Португалия терма жамоаси чорак финалда Польша терма жамоасидан пенальтилар сериясида омадироқ чиқиб, ярим финал "чипта"сини кўлга киритди. Ярим финалда эса уларни ўз тарихида илк маротаба Европа чемпионатида иштирок этаётган бўлишига қарамай ёрқин ўйин намойиш этаётган Уэльс терма жамоаси кутиб турарди. Бу тўқнашувни қайсибир маънода Мадриднинг "Реал" клуби шарафини ҳимоя қилаётган Криштиану Роналду ва Гарет Бэйл баҳси ҳам дейиш мумкин эди. Бу баҳсда Роналдунинг кўли баланд келиб, унинг голи ва голли узатмаси эвазига Португалия терма жамоаси финалга йўл олди. Финал. Мусобақа давомида

ҳужумкор ўйин намойиш қилаётган Франция ҳамда "яхши от кейин чопади" қабиллида аста-секинлик билан ўйинни кучайтириб борган Португалия терма жамоалари тўқнаш келишди. Майдон эгалари ўз мамлакатларида ўтаётган мусобақада кубокни бировага бериб юбориш ниятлари йўқлигини исботлаш мақсадида ўйин бошидан оқиб ҳужумга зўр беришди. Португалия термаси аъзолари эса бир амаллаб уларнинг ҳужумларини бартараф этишга муваффақ бўлишарди. Бунинг устига ўйиннинг 25-дақиқасида португалияликларнинг асосий футболчиси Криштиану Роналду жароҳат олиб, кўз ёшлари билан майдонни тарк этишга мажбур бўлди. Аслида бу хол Фернанду Сантуш шогирдларини қийин аҳволга солиб қўйиши мумкин эди. Бироқ нима учундир бу вазиятнинг

францияликларга салбий таъсири кўпроқ бўлди наздимизда. Майдон эгалари бугунги кундаги сайёрамизнинг икки буюк футболчисида бири бўлган Роналду ўйиндан чиққанидан сўнг бироз хотиржамликка берилишди. Аксинча, Португалия терма жамоаси аъзолари эса жамоа сардори майдонни тарк этишга мажбур бўлгач, янада жипслашишди.

Ўйиннинг асосий вақтида ҳисоб очилмагач, жамоалар қўшимча таймларда голиб номини аниқлашга киришишди. Кўринишдан мезбонлар барча масалани ўйиннинг ўзида ҳал қилишга, португалияликлар эса пенальтилар сериясига етиб олишга интилаётгандек эди. Аммо яқун умуман ўзгача тус олди. Ўйиннинг 109-дақиқасида мусобақа давомида асосий вақтини захира ўринидигида ўтказиб, ўз вақтини

кутган Эдер томонидан киритилган гол Португалия терма жамоасига чемпионликни тақдим этди. Шу тариқа Португалия терма жамоасининг бугунги авлоди тарихга кирди.


Умуман олганда, Евро-2016 мусобақаси бир қатор терма жамоалар тарихида янги саҳифаларни очиб берди. Ҳеч ким кутмаганда, айниқса, мағлуб эта олмаганидан сўнг Криштиану Роналду томонидан "ҳеч бир мақсади йўқ" жамоа сифатида назарга олинмаган Исландия терма жамоаси барчани ҳайрон қолдириб, гуруҳда биринчи ўринни эгаллади ва чорак финалга қадар етиб келди. Улар кўрсатган қаҳрамонликлари учун ўз мамлакатларида худди чемпионлардай кутиб олинди.

Европа чемпионатининг финал қисмида илк бор иштирок этаётган бўлишига қарамай Гарет Бэйл етакчилигидаги Уэльс терма жамоаси аҳойиб ўйин кўрсатиб, финал оstonасидагина бўлajak чемпионларга мағлуб бўлишди.

Чемпионларни Португалия давлати президенти Марселу Ребелу де Соуза "Хизматлари учун" ордени билан тақдирлади. Де Соуза футболчиларни президент саройида қабул қилди.

"Сизлар Европада энг яхши жамоасиз. Сизлар мардлик, талабчанлик ва сабрнинг энг яхши намунасини намоеён қилдингиз, бошқаларга ўрнатиб бўлдингиз", — деди де Соуза.

Футболчиларга "Хизматлари учун" орденининг учинчи даражаси — командор тақдим қилинди. Тақдирлаш маросимидан сўнг терма жамоа Лиссабон кўчалари бўйлаб Европа кубогини олиб ўтди.



## Пелле Хитойда

Кейинги пайтларда Хитой клублари футбол оламида бир қатор шов-шувли харидларни амалга оширмоқда. Яқинда Хитойнинг "Шанхай СИПГ" клуби Россиянинг "Зенит" клуби аъзоси, бразилиялик ҳужумчи Халкни 56 млн. евро эвазига ўз таркибига қўшиб олган эди. Сешанба кuni эса Хитойнинг "Шаньдун Лунэн" клуби ҳужумчи Грациано Пелле билан шартнома имзолаганини эълон қилди. Италиялик футболчи учун хитойликлар 13 миллион евро тўлашди.

30 ёшли футболчининг йиллик маоши 16 миллион евро қилиб белгиланди. Натижада Пелле дунёнинг энг кўп маош олувчи футболчилари рўйхатида 5-ўринга чиқиб олди. Англиянинг "Манчестер Юнайтед" клуби ҳужумчиси Златан Иброҳимович ҳам у каби 16 миллион евро маош олади.

Энг кўп маош олувчи футболчилар рўйхатида Неймар, Халк, Месси ва Криштиану Роналду пешқадамлик қилишмоқда.

## «Ювентус» Депаёга қизиқмоқда

Англиянинг "Манчестер Юнайтед" клуби ярим ҳимоячиси Мемфис Депаёга Туриннинг "Ювентус" жамоаси қизиқиш билдиришмоқда.

Туринликлар Депаё учун "Манчестер Юнайтед" клубига расмий таклиф билан чиқшмоқчи. Харидор клуб томонидан Депаёнинг трансфер нархи 20 миллион еврога баҳоланмоқда.

Эслатиб ўтамиз, ўтган мавсум "Манчестер Юнайтед" клуби Депаёни "ПСВ" жамоасидан 27,5 миллион евро эвазига сотиб олганди.



Мақсудали ҚАМБАРОВ тайёрлади

## Ўтганларнинг охираги обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Тошкент шаҳар прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси Асагулла Ҳакимовга турмуш ўртоғи

**Тўхтаов ҲАКИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси **Аскербай УРАЗБАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига тазия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Сурхондарё вилоят прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси **Жаббор МАХМАДАМИНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қашқадарё вилоят прокуратураси жамоаси Муборак туман прокурорининг ўринбосари **Жасур Турсунвага** палари бузрукбори **Санжар ТУРСУНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан тазия изҳор қилади.

## Нуқуқ

yuridik gazeta

Muassis:  
**O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi**

Bosh muharrir:

**Jahongir MAKSUMOV**

Tahrir hay'ati:

Hakimboy HALIMOV  
Gulnoza RAHIMOVA  
Baxtiyor NAZAROV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Kamoliddin ASQAROV  
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

Faks: 233-10-53,

233-64-85

E-mail:

huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinnmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farglanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. □ — tijorat materiali. Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi  
**231**

Buyurtma s-6476. 38 979 nusxada bosildi. Oqog'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teridil va sahilalandi. «HUQUQ» original maketi. Navbatchi muharrir: F.YODGOROVA Sahifalovchi: S.BABAJANOV Navbatchi: O'.DEHO'NOV Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyoti matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxonada manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004